

ОИЛА КЎПРИГИ
аёллик бахти

4



ТОҒЛИК ТОҒА

5



КЕЛИН

9



ЁНИНГИЗДАГИ
БАХТ

12

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Назира БОЙМУРОДОВА
сурат-лавҳаси.

Ўриш САФАРОВ,
Ўзбекистон халқ
ўқитувчиси:

ЭНГ БАХТЛИ ОДАМ — ЎҚИТУВЧИ!

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонида биноан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоғни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлидаги фидойи хизматлари учун мукофотланган бир гуруҳ юртдошларимиз орасида Тошкент вилояти Окқўрғон тумани Агробизнес ва сервис касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси Ўриш Сафаровнинг “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” унвонига сазовор бўлганлиги таълим соҳаси вакиллари ни беҳад қувонтирди. 4

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Бухорода янги иш ўринлари	2
Шогирдлар бахтисиз, Адолат она!	3
Туну кун ишлайдиган шифокор	8
Гар уйингда фарингдадай қизлар бўлса	10
Узоқ умр кўриш сирлари	11
Қиз кўнглига қараб кечикканлар	11
Янги ер участкалари ким ошди савдосида	12
Шахмат маликалари Тошкентда	12

ҲИКМАТ

Ахлоқ ҳар бир
киши учун ўз-
ўзини идора қи-
лиш илмидир.

Абу Али ибн СИНО

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Олий таълим вазирлиги ҳамкорлигида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Маданият саройида талаба ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар руҳига миллий қадриятларни сингдириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини кучайтириш мақсадида ижтимоий-маърифий тадбир ўтказилди.

Жорий йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртиларида ёшларни "оммавий маданият" ниқоби остида хориздан кириб келаётган ёт гоғлар таъсиридан асраш, ахборот технологиялари, хусусан, интернет орқали ёшлар онги ва руҳиятига маънавий таҳдид солувчи омилларга нисбатан ёшларнинг ўзида кучли иммунитетни шакллантириш, талаба қизларнинг ўқув даргоҳларида кийиниш ва ўзини тутиш маданиятини ошириш, миллий қадриятларни ёшлар руҳига сингдириш, айниқса, маҳалла ҳаётига ёшларни кенгрок жалб этиш, наодонлар ободлиги ва озодлигини сақлашда қизларнинг иштирокини кучайтириш, "Бир болага етти қўшни ота-она" деган миллий тамойил ва қадриятни кенг тарғиб қилиш, эрта никоҳ ҳамда тўй ва маросимларни дабдабали ўтказиш каби муаммоларни бартараф этишда кўпроқ ёшлар иштирокини таъминлаш каби

БАРКАМОЛ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИДА

йўналишларда юздан ортиқ учрашувлар ўтказилди.

— Биз университетимиз қошида ташкил этилган "Орас-та қизлар" клуби фаоллари билан биргаликда бугунги кунда "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига кўрсатаётган ижобий ва салбий таъсири ҳамда техника асрида мобил телефон алоқа ва интернет хизматидан ёшларнинг қай даражада фойдаланаётганлиги мавзусида бир қанча тақдиротлар намойиш этдик, — дейди ЎзМУнинг журналистика факультети 3-босқич талабаси Малика Рўзиева. — Қувонарлики шундаки, тақдиротларимиз жараёнида ўқувчилар ёш бўлишларига қарамай, ўзларининг теран фикрлари, юксак билимлари билан фаол иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этиб, ўқишдаги ютуқлари ва фаол иштироки учун бир гуруҳ талабаларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Олий таълим вазирлигининг эс-далиқ совгаларини топширди.

Билал МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

УМИДИНГМАН, ЎЗБЕКИСТОН!

Божлон халқимиз ёруғ оламда қўз очган ҳар бир гўдакни йўли ёруғ, эсли-хушли, ризқи улуг инсон бўлсин, дея алқайди. Ўзбекнинг бо-лиси ана шундай қутлуг тилаклар оғушида дунёга келади, вояга етади.

Бундан 22 йил муқаддам ота-онасига қувонч улашиб туғилган ўғил-қизларга аталган тилаклар бугун ўз ижобатини топган. Негаки, истиқлол ила ҳамнафас бўлиб улғаяётган авлод бекиёс гамхўрлик, эътибор оғушида. Йигирма икки ёшга тўлган ёшларнинг кўпчилиги бугун ҳаётда ўз ўрнини топиб, илмфан ёки касб-хунар йўлидан бормоқдалар.

Улардан бири — Наманган давлат университети магистранти Қизлархон Аҳмаджонованинг инглиз тилини ўрганишга иштиёқи балан. Мана шу йўлда изланиб, қатор залворли ютуқларни кўлга киритди.

Дастлаб ноанъанавий усулдаги янги лойиҳа — «Мактабга таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш йўлга қўйиш ва тоқомиллаштириш» мавзуси бўйича «Happy Kindergarten» мультимедиа дастурини ишлаб чикди. Лойиҳа муваффақиятли дея эътироф этилгани боис ўтган йўлда Қизлархон «Камолот» ЁИХ стипендианти бўлди.



«Камолот» ЁИХ стипендианти бўлди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 470 та хўжалик юри-тувчи субъектлар оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Янги ташкил этилган оилавий корхоналарда 1012 нафардан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш ўринлики, миллий қадрият ва анъаналаримизга хос бўлган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши бу борада ривожланиш босқичини бошлаб берди. Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, кафолатларини шакллантирди.

Айни жараёнда вилоятимиздаги оилавий корхоналар фаолияти жадал равишда ўсаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи ярмида шундай мақомга эга бўлган корхоналар томонидан 745,2 млн. сўмлик маҳсулот (иш ва хизматлар) ҳажми амалга оширилди.

Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатувчи «Сифат металл шифер» оилавий корхонаси шифер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу йилнинг май ойида давлат рўйхатидан ўтказилган корхонада июнь ойининг ўзида 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилди. Ҳозирча корхонада 4 та иш ўрни яратилган. Оилавий корхона раҳбари Акрамжон Мусаевнинг айтишича, яқин вақт ичида фаолият кўламини янада кенгайтириш ҳисобига қўшимча 4 та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Оилавий корхоналарга берилётган имконият ва имтиёзлар қўламини жуда кенг. Бундай корхоналарга нисбатан кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар тўлиқ татбиқ этилади.

Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пулли ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича, шу жумладан, у ишлаб чиқарилган жойда реализация қилиши мумкин. Турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, ком-

Фурур

У 2010 йилдан буён UzTEA дастури конференцияларида иштирок этиб келмоқда.

— Дастлабки икки йилда кўнгилли сифатида қатнашдим, — дейди Қизлархон Аҳмаджонова. — Ўтган ўқув йилида менга тренерлик вазифаси топширилди. Юртимизда биз ёшларнинг илм олишлари, тил ўрганишлари, изланишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Мен ҳам бундай имкониятлардан фойдаланиб, шу йили «Exchange Program» дастурида голибликни кўлга киритдим ва Норвегия давлатидаги Акуршус университетида таҳсил олиб қайтдим. Таълим жараёнида Норвегия таълим тизимини ўргандим, хоризжлик тенгдошларим билан фикр алмашдим, янги билимларни ўзлаштирдим. Келгусида илмий изланишларни давом эттириш ниятидаман.

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.
Наманган вилояти.

Оилавий тадбиркорлик

мунал хизматлар ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Корхона ўзининг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари учун меҳнат ҳақи, мукофотлар ҳамда компенсацияларнинг шакллари, тизими ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Аммо уларнинг меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаслиги керак. Оилавий корхонада иштирокчилар ва ёлланма ходимларнинг ишлаган вақти давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида меҳнат стажига қўйилади.

Бундай мақомга эга бўлган корхона ягона солиқ тўлови ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий фондларга мажбурий тўловлар тўловчисидир. У ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади.

Оилавий корхонани кредитлаш банк ёки бошқа кредит ташкилоти билан тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади. Бу корхоналарга кредитлар беришда банклар, кредит ва сугурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкинлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлишлари мумкин.

Мадаминжон АКБАРОВ,
Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Жараён

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Бухоро вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида кенгайтирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ундан кўзланган асосий мақсад эса аҳоли бандлигини таъминлаш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари битирувчиларини мунтазам иш ўринларига эга бўлишларида амалий ёрдам беришдан иборат.

— "Меҳнат бозори" ярмаркасида вилоятимизда фаолият юритаётган 241 та корхона ва ташкилотлар, жумладан, қўшма корхоналар, йирик саноат ва коммунал хўжалиги соҳаси корхоналари, шунингдек, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимидаги муассасалар ўзларининг 2993 та бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Сухроб Бобоқонов. — Меҳнат ярмаркасида 1864 нафар фуқаро иштирок этган бўлса, 386 нафари (шундан 155 нафари касб-хунар коллежи битирувчилари) тўғридан тўғри ишга жойлашиш учун йўланмага эга бўлди. Қолган иштирокчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини ташкил қилишда Қоровулбозор туманида жойлашган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи етакчилик қилмоқда. Биргина 2012-2013 ўқув йилида Бухоро нефть ва газ коллежининг 37 нафар, Қоровулбозор саноат ва транспорт коллежининг 47 нафар ва бошқа туманлардаги коллеж битирувчиларининг 11 нафари билан уч томонлама шартномалар тузилиб, ўз мутахассисликлари бўйича заводга ишга қабул қилинди. Мазкур ярмаркада завод ўзида айни пайтда мавжуд бўлган 11 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг таркибий қисми бўлган бундай ярмаркалар натижасида ёшлар аниқ, мунтазам иш ўринларига эга бўлмоқдалар. Уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, жойларда жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олинишига замин яратиши шубҳасиз.

— Вилоятимизда жойлашган 88 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 69 таси ярмаркада ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари ва ишга жойлашмаган битирувчилари билан иштирок этмоқдалар, — дейди вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси битирувчиларини ишга жойлаштириши таъминлаш ҳамда унинг мониторингини олиб бориш бўлими бошлиғи Яшин Раҳматов. — Вилоятимиз коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича республикада етакчи ҳисобланса-да, ҳали бу борада қилиниши керак бўлган ишларимиз бисёр. Бундай ярмаркалар эса бу тизимда бевосита ҳуқуқатимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг бир қисми сифатида аҳамиятли.

Маърифат АБДУҲАМИДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.
Бухоро вилояти.

Ўзбекистон халқ хофизы Орол-мирзо Сафаров ижро этган бир кўшиқда "Устозим тахтисиз, Адолат олам, Шогирдлар бахтисиз, Адолат олам" деган сатрлар эътиборимни тортгани боис кўпдан бери номи кўшиққа муҳрланган Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, юртимизда бошлангич таълим соҳасига салмоқли ҳисса кўшган Адолат Нейматованинг ҳаёти, оиласи, кўнгли дунёси ҳақида ёзгим келарди.

— Юзаки дарс ўтишни ўқувчи ҳақиқа хийнат қилиш деб биламан, — дейди Адолат опа гурунгимиз аввалидаёқ. — Ахир, мактаб остонасига қадам қўйган ўқувчининг ўз устозига қанчадан-қанча қарзи бор. Шогирд ҳақини адо этиш эса ҳар бир устознинг бурчидир. Бир неча йил аввал тузган дастурим бўйича (биринчи ва иккинчи синф дастури уй-гунаштирилган эди) ўқувчилар бир ойда учинчи синф дастурини тугатиб, 1 декабрдан иккинчи синфга, ўқув йили охирида эса учинчи синфга кўчирилди. Билимлари эса икки ўқув йилини ўқиган ўқувчилар билан тенг, ҳатто улардан устун ҳам бўларди...

Албатта, буларга осонлик билан эришилмаган. Бироқ илмга чанқок мурғак қалбларнинг билим олишга интилиши, кўзларидаги қувонч, ўрни кўргангизда одамнинг кучига куч қўшлаверди. Ишда ютуқларга эришиш учун одамга ўз оиласи мадад кўргонидек бўларкан. Ўзаро аҳиллик, бир-бирини тушуниш бўлмаса, киши кўзлаган мақсадига эриша олмаслиги аниқ. Иш фаолиятимда эришган ютуқларим учун энг аввало раҳматли умр йўлдошим — филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқовдан беҳад миннатдорман (илоҳим, охиратлари обод бўлсин). Улар мени ҳар қадамда қўллаб-қувватлар, олиб бораётган ишларимни маъқулар, керакли ўринда маслаҳатлар бериб, рағбатлантириб турардилар. Ютуқларимдан эса чексиз қувонардилар. Айниқса Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилганида шу даражада

МЕҲРЛИ МУАЛЛИМА

қувондиларки, таърифлашга сўз топмайман.

десам, тўғри бўлмайди. Албатта, ютуқларга эришиш осон бўлмаган.

меҳр, болаларча содда муҳаббатга сазовор бўлганман. Шогирдларим ютуқларга эришганида уларнинг ота-оналари кўзларидаги қувонч, миннатдорчиликни кўрдим. Қолаверса, эл қорига камарбаста одамнинг ҳалол меҳнати ерда қолмаслигига гувоҳ бўлдим. Юртимда қадр ва эъзоз топдим.

Шогирдларим — менинг бойлигим. Минг шукрки, уларнинг бахту тахтларини кўриш насиб этиб турибди. Мана бу шогирдим фалон жойда ишламоқда, униси фалон ерда ўқимоқда, демайман. Фақат бир нарсани биламан: уларнинг бари эл хизматига. Ватани, халқининг қорига ярапти. Хаммаси ақлини, хушли. Остона ҳатлаб кўчага чиқсам, албатта, улардан бировига дуч келаман. Ёки кўзларида гулдаста билан эшик чертиб келиб қоладилар. Уларни кўриб, бошим осмонга етади...

Адолат опа ўзи ҳақида кўп ҳам гапирмади. Тонгга қадар миҷжа қоқмай, эртанги дарсига тайёрланган кунларини, ҳар бир шогирдига ўз фарзандидек меҳр бериб, бошини силагани, кунт билан илм сирларидан боҳабар этганини ҳам таъкидлаб ўтирмади. Мана шу ишим менинг ҳаётимга мазмун берди, дейди у киши камтарлик билан. Унинг учун меҳр, эътибор ва шогирдларининг бахту камолини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ.

Бу аёлдаги талабчанлик, фидойилик, ижодкорлик фазилатлари уни ҳали-ҳанузгача тарқ этмаган. Айни пайтда пенсияда бўлишига қарамай, 2-синф «Она тили» дарслигининг ўн иккинчи (методик қўлланманинг учинчи) наشري ҳамда «Одобнома» дарсликлари устида ишламоқда. Ўз касбининг моҳир билимдони, маҳоратли муаллима — Адолат опа Нейматовани ана шундай куч-ғайрат, шижоат асло тарқ этмаслигини тилаб қоламиз.

Зарина РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Маълумот ўрнида:

Адолат Нейматованинг ҳаммуаллифликда яратган «Одобнома» дарслиги ва методикаси 2012 йилда республика таълими тоғлиб деб топилган, ҳозирда бу дарслик тожик, туркман, қozoқ ва қирғиз тилларига ҳам таржима қилинган.

«Одобнома» (1-, 3-, 4-синфлар учун), «Она тили» (2-синф) дарсликлари билан бирга уларнинг методик қўлланмалари — «3-синфда одобнома дарслари» (1999 й.), «Одобнома ўқитиш методикаси» (2003 й.), «Иккинчи синфда она тили дарслари» («Ўқитувчи» нашриёти, 2004 й.) каби кўплаб дарсликлари, дастурлари, методик қўлланма ва тарқатма материаллари айни пайтда республикамаъруз таълим тизимида амалда қўлланилмоқда.

Адолат опанинг уч фарзанди, етти нафар невараси бор.

Мен умр йўлдошимнинг меҳр ва тангликка йўғрилган яхшиликларини қайтара олмадим. Тақдир экан-да, пешонамизга сиғмади. Асли ўзларида ҳам вақт ошиб-тошиб ётмасди, бироқ оиласи учун вақт топа оларди. Агар у киши қўлламаганида мен бундай ютуқларга эриша олмаган бўлардим. Фарзандларим ёш, ота-она, яқинларимиз узоқда эди. Кейинчалик қизларимиз улғайиб, рўзғор юмушларини қўлимдан олишди. Хамма ишни ўзлари бажаришарди. Бироқ улар узатилиб кетишгач, мен яна мадани турмуш ўртоғимдан топганман. Ҳозирда икки қизим — Наргис ва Нилуфар ҳам педагогика соҳасида иш олиб боришяпти. Фақатгина ўғлимиз бошқа соҳани танлади.

Агар инсонда ўз касбига меҳр бўлса, ишдаги қийинчиликлар сезилмайди. Оилага бўлган меҳр эса ҳар қандай шароитда ҳам, рўзғор юмушлари, фарзандлар тарбиясига вақт, куч топиб бера олади. Ана шундай улуғ куч-қудрат инсонларни ҳеч қачон тарқ этмасин.

Агар мен ниманидир йўқотдим,

Бироқ мен кўп нарсани йўқотмадим, аксинча, йўқотганларимга нисбатан топганларим бисёрроқ. Устоз сифатида кўплаб қора кўзларда порлаган



ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

турмуш қурганимизга 30 йил тўлибди. Бир-биримизни тўғри тушуниб, ҳурматимизни жойига қўйиб яшаб келяпмизки, маҳалла-қўйжа

кўплаб янгиликлар яратди. Мактаб биносига киришингиз билан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг инглиз тилида гаплашаётгани эътиборин-

ди, — дейди Насиба опа фаҳрга тўлиб. — Ўқувчилар иқтидорини тўғри шакллантириш, уларни тўғри йўналтириш билан бирга тарбияда ҳам ўрнак кўрсатишимиз зарур. Шу боис мактабимизда асосий эътибор ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишга қаратилган. Айни пайтда бу ерда 6 та спорт тўрагаги фаолият юритмоқда. 4 нафар чет тили фани ўқитувчимиз қайта тайёрлов курсларида ўқиб келишди.

Мактабимиз экология ва инглиз тили фанига ихтисослаштирилмоқда. Яқинда вилоят миқёсида "Биз — соф табиат тарафдоримиз" мавзусида инглиз тили бўйича тадбир ўтказдик. Унда ўқувчи ва ўқитувчиларимизнинг чет тилида бурро сўзлашлари, саҳна кўришларини маҳорат билан ижро этишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.



жамоамизда обримиз бор. Фарзандларимиз Диебрахон ва Нодирахон менинг касбимни танлашди. Демак, олманинг тагига олма тушадди, деганлари шу-да.

Насиба опа ўзи фаолият олиб бораётган 14-умумий ўрта таълим мактабига

гизни тартади. Бу масканда 880 нафар турли миллатга мансуб ўқувчилар таълим олишмоқда.

— Кимки шу улуғ даргоҳдан етарли даражада билим олиб чиқиб кетолса, демак, у кейинги ҳаёти учун тўғри ва мақсадли режа туза ола-

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодийналари арафасида Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ва касба уюшмаси томонидан 80 нафардан ортиқ муаллим, устозларга фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбахо совғалар тақдим этилди. Улар орасида халқ таълими аълочиси, Ангрен шаҳридаги 14-умумтаълим мактаб директори Насибохон Гофурованинг ҳам самарали хизматлари эътироф этилганлиги кўпчиликни қувонтирди.

Бугунги кунда Насибохон опа оилада ажойиб бека, мактабда эса ташаббускор раҳбар сифатида меҳр, эътибор қозонган.

— Ҳар бир инсон ҳаётда ўз ортидан яхши ном, хайрли амаллар қолдиришни бир умр орзу қилади, — дейди Насибохон Гофурова биз билан суҳбатда. — Албатта, таълим-тарбия масаласи ниҳоятда мураккаб вазифа бўлиб, бу соҳада фақат фидойи, ўз касбини астойдил севганларгина қолади. Қолаверса, аёлнинг ҳам оилада, ҳам жамиятда ўзига хос ўрни, нуфузи бўлади. Шу маънода мен тақдиримдан миннатдорман, десам арзийди. Дониёр ака билан

Ўзбекистон
Хотин-қизлар
қўмитаси ҳамда
"Соғлом авлод
учун" хайрия
жамғармаси

мамлакатимизда
таълим тизimini ри-
вожлантириш, баркамол
авлодни озод ва обод
Ватанимизга муносиб
фарзандлар этиб
тарбиялаш йўлида фи-
дойлик кўрсатиб ишла-
ётган барча устозларни

1 ОКТАБРЬ —
ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан самимий му-
боракбод этади! Сиз-
ларга узоқ умр, сиҳат
саломатлик ҳамиша
йўлдош бўлсин!

ОИЛА КЎПРИГИ

аёллик бахти синоатлари

...Унинг тақдирига шундай қисмат ёзилган экан. Тўйдан бир-икки ой ўтмаёқ келин бўлиб тушган хонадонни бошқа оилалардек тинч-хотиржам эмаслигини тушунди. Оила аъзолари бир-бирини ҳақорат қилган, ўзаро тушуниш, ҳурматдан дарак ҳам йўқ. Хатто уйда янги келин бор, деб истихоло ҳам қилишмагани келинчакнинг иззат-нафсига теғди. Хаёлида турли хил фикрлар гужон ўйнаи бошлади. Келинчакнинг рўзгор ишларидаги озгина камчилиги ҳам бўрттириб кўрсатилар, бу нуқсонлари кўни-кўшилар-у, қариндошлар олдида ҳам тап тортмай, баралла айтишарди.

Бир гал ҳаммасидан ўтиб тушди: Қайнона ёш келиннинг арзимас юмушларни ҳам рисоладагидай бажара олмаётганини айтиб, ўғлига ёмонлай бошлади. Куёв чидаб туролмади, келинчакнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Ўзи шундоғам тўлиб турган келин ота-онасиникига қараб йўл олди, ҳеч ким уни қайтармади. Кета-кетгунча хаёлидан минг хил фикр ўтди: нима қилсин, қандай йўл тутсин, нахотки у шундай умидлар билан турмуш қурган бўлса, нахот атрофидаги кўпчилик ёқтирмайдиган келинчаларга ўхшаб ҳар ойда ота-онасиникига келиб кўяверса...

Шу фикрнинг ўзиёқ уни қўчтириб юборди, аёл аниқ бир қарорга келди. Уйига келган, қанчалик оғир бўлмасин, уйдагиларига уларни соғиниб келганини қулиб айтди. Бир кеча меҳмон бўлди. Эрталаб эса келинчак уйдаги тикув машинасини олиб кетишини айтди. (Тикув машинаси унга нажотдай туюлди). Акса машина топди, биргаликда уйига қайтдилар. Уни ҳеч ким қучоқ очиб қутиб олмади. Келинчак буни ҳис қилганди. Дарҳол қайнонасининг ёнига бориб: «Аяжон кечиринг, юмушларни сиз айтгандай бажаришга ҳаракат қилман», деди. Қайнона бир оғиз сўз дедимди. Шу кундан эътиборан келинчак гина-қудуратларни унутиб, уй ишларини сидкидидан бажаришга ҳаракат қилди. Тикиш-бичиш қўлидан келишини билган кўшилар кийим тикиб беришини сўраб кела бошладилар. Кўп ўтмай у яхшигина тикувчи сифатида доврўқ қозонди. Тикувчиликдан тушган илк пулига қайнонасига чиройли кўйлақлик харид қилди: «Доим бахтимизга омон бўлинг», деди уни қўлига тутқазаётди. Кўйлақ тиктириш мақсадида тез-тез келадиган кўшилардан уялибми, оилдагилар бир-бирига нисбатан ҳақорат сўзларни камроқ ишлата бош-

ладилар. Аста-секин келинчак фарзандли, қайнона унга яқин ёрдамчи бўлди. Келинчакка нафақат оиладагилар, кўни-кўшиларнинг ҳам ҳаваси орта бошлади. Фарзандлари улғайди, кичикроқ тикувчилик цехи ташкил қилди. Бу қишлоқда «тадбирли келин» деб ном қозонди. Бир пайтлари ҳаловатсиз оила бугун намунали хонадон сифатида маҳалладашларга ўрнак қилиб кўрсатилаётди.

Бугун жойларда оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан олиб борилаётган тарғибот ишларида ростдан ҳам юқорида баён этилган оила ибрат сифатида эътироф этилмоқда. Ёш қизларга, бўлғуси оналарга оила аталмиш муқаддас маконга қадам қўйишдан олдин ҳар томонлама тайёрларлик кўриш лозимлиги ботиб тақдорланмоқда. Хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла» жамоат фонди ва бошқа қатор ташкилотлар томонидан оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш юзасидан ўтказилаётган тарғибот ишларида намунали оилаларнинг тутумлари, юзма-юз учрашувлар ташкиллаштирилмоқда.

— Оилада соғлом муҳитни шакллантиришнинг ахамияти жуда катта, — дейди Самарқанд вилоят хотин-қизлар кўмитаси қотибияти мудири Дилфуза Анзиратова. — Оила хотиржам бўлса, у ерда эркин меҳнат қилиш, фарзандларнинг таълим-тарбия олиши учун қулай шароит яратилади. Акс холда оилада боқибегамлик, бефарқлик, ўз келажағига нисбатан ишонсизлик каби кайфият ҳукмрон бўлади. Бундай кайфиятдаги оиланинг яқин келажағи қандай бўлишини тасаввур қилиш қийинмас. Шунинг учун жорий йилда хотин-қизлар кўмитаси, маҳаллаларда оилалар билан ишлашнинг ўзига хос бир тизими юзага келди.

Маҳаллада жамоатчилик ва давлат идораларининг ҳамкорликдаги фаолият тизими бўйича вилоятдаги 1105 та МФЙларида 5 сектор тузилди. Шундан «Оилага ки-

риш» секторига маҳалла раиси, МФЙ кенгаши, МФЙ маслаҳатчиси, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти, «Қамолот» вакили, «Нуроний» фондининг обрў-эътиборга эга бўлган отахон ва онахонларидан иборат гуруҳлар тузилиб, оилани маънавий-маърифий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича нотинч оилаларда яқма-яқма суҳбатлар ўтказиш



йўлга қўйилди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари» қошида ёш оилалар ва ёш хотин-қизлар учун ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил қилинди. «Ёш оилаларга маслаҳат бериш маркази» вилоятдаги мавжуд 14 туман ва 2 шаҳарнинг барчасида очилди. Шунингдек, хотин-қизлар кўмиталари томонидан хотин-қизлар ва вояга етмаган ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қизларнинг таълим олишини давом эттириш, хотин-қизларнинг саломатлигига эътиборли бўлишларини таъминлаш каби оиладаги соғлом муҳит учун зарур бўлган барча масалалар юзасидан ҳам қатор тарғибот ишлари ўтказилди. Жумладан, таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ёш оилалар: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари», «Ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёси», «Ёшлар ва ҳуқуқий маданият», «Ёшлар ва соғлом турмуш тарзи», «Ёшлар ва тадбиркорлик», «Ёшларнинг диний экстремизм ва миссионерликка муносабати» мавзуларда 380 дан ортиқ тадбирлар, учрашувлар ўтказилди.

Кам таъминланган оила-

лар, ёлғиз ва ногиронларнинг турмуш даражасини ошириш, томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишлари учун қиймати 59780 минг сўмлик 10548 дона мевали, манзарали ҳамда тут қўчатлари, 70 млн. сўмлик гул қўчатлари совға тариқасида тарқатилди.

Қолаверса, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, оиладаги моддий аҳвол ҳам хотиржамлик учун муҳим асос бўлади, баъзида. Бугун оиланинг моддий фаровонлигини оширишда хотин-қизларнинг ҳам роли ошиб бораётди. Уларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан 407 нафар тадбиркор аёлга 2 млрд. 071 млн. сўм кредитлар ажратилди. Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кас-

салари фонди (Германия) томонидан берилган «Хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш бўйича қайта тикланувчи кредит фонди» маблағлари ҳисобига бошланғич сармояни тўлдириш учун тадбиркор аёлларга микрокредитлар ажратиш, фермер аёллар ва ёшларни, асосан қишлоқ жойларидаги касбхуна қоллежлари ҳамда олий ўқув юртлири битирувчиларига кредит ажратиш ва уларга ўз тадбиркорликларини бошлашлари учун қўмаклашиш мақсадида «Аёллар маслаҳат маркази» томонидан вилоятнинг 16 та ҳудудида семинар машғулотлар ўтказилиб, унда 350 нафар аёл иштирок этди.

Афсуски, барча туманларда ҳам мазкур масалада олиб борилаётган ишлар самарали, деб бўлмайди. Шунинг учунми, нотинч оилалар сони жорий йилда кўпайганини кузатиш мумкин.

Ҳа, оила аъзоларининг соғлом бўлиши, уларнинг таълим олишдан тортиб, моддий аҳволи, ёшларнинг ҳар томонлама оилага тайёр бўлиши юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлардан мақсад битта — у ҳам бўлса оилада маънан соғлом муҳитни юзага келтиришдир. Бу муҳитни юзага келтиришда эса аёлнинг, онанинг ўрни беқиёс. Фарзандли бўлган

Долзарб мавзу

аёлга табиатан улкан меҳр ато қилиниши замирида ҳам болани тарбиялаш жараёнидаги қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш, шу меҳр тўфайли фарзандини баркамол ўстириши баробарида оиласининг ҳам мустаҳкам устунига айлана бориши муҳим бўлади. Бугун жамият томонидан ҳам онага юкланаётган асосий вазифа шу — оилага хотиржамликни асраш, баркамол фарзанд тарбиялашдир. Зеро, бу вазифани сидкидидан удралаётган аёллар, оналар орамизда сон-саноксиз. Биргина хатоси туфайли оиласини барбод қилаётган, турмуш ўртоғи-ю, қариндошлари бошини эғиб, беҳаё сифатида ном чиқарган, арзимас майда гаплардан жанжал орттирган, жиноятга қўл ураётган, бағрикенгликни унутиб, келинлари — невараларининг онасидан юз ўгираётган қайноналарга нисбатан оиласи учун мустаҳкам замин бўлаётган аёллар сони барибир кўпроқ экани дилга таскин беради. Уларни ҳаммага кўз-кўз қилгинг, улар билан фахрлангинг келади.

Яқинда бир аёл билан ҳам суҳбат бўлдим. Айтишича, бир неча марта мамлакат чемпионатларида голибликни қўлга киритиб келаётган алпдай ўғли эндигина ўн саккиз ёшга тўлганда нуқулай бир вазият туфайли ногиронлик аравачасига михланиб қолган. Бу ҳолат ўғлига қанчалик ёмон таъсир қилмасин, она учун бу зарба ўн қарра оғирроқдир. Лекин аёл ўғли учун, унинг кўзларида бор-йўғи умид уйғотиш учун кўзидаги ёшларини артди. Тўғрироғи, бу ёшларни ичига юрди. Ҳар кунни ўғли ёнига жилмайиб кирди, қулиб чиқди. Бу уринишлари бекор кетмади, нарҳиш йил деганда ўғил ҳаётга қайтди. Устоз ва яқин дўстлари кўмагида ўзига мос спорт тури билан шугуллана бошлади. Орадан ўн йиллар чамаси вақт ўтди. Ўғил имконияти чекланган спортчилар ўртасида мамлакат, ҳатто жаҳон биринчилигида совриндор бўлди. Шундагина аёл кўзларидан тинмай ёш оқди — бу қувонч ёшлари, умидсизликдан андуҳда юрган кунларида ичига ютган ёшлари эди. Қўни-қўшилар аёлнинг сабрига тасаннолар айтди, унга елкадош бўлишди. Оналикнинг энг юксак тимсоли сифатида қарашди унга. Аёл шундан бахтли эди, ўтган кунларига шукрона айтди...

Гулрух МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири
Самарқанд вилояти.

Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш, барқарор оилалар муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилган бежиз эмас.

Халқимизда «Бола бошидан» деган ажойиб нақл бор. Чунки оила муҳитида фарзанд тарбияси, улғайиши ва вояга етиши учун азалий қадриятлардан иборат мустаҳкам асос мавжуд. Шунинг учун ҳам фарзанднинг соғлом туғилиши, ўсиши ва ниҳоят энг муҳим омиллар саналган тарбияси ва соғлом фикрли шахс бўлиб шаклланиши шу

ЎЗИГА ХОС ДАСТУРИЛАМАЛ

оила муҳитига бевосита боғлиқдир.

Айниқса, бугунги бозор муносабатлари шароитида ҳар бир оила аъзоларининг сийҳат-саломат бўлиши қанчалик муҳим иқтисодий ва маънавий масала эканлигини ҳаммамиз тушуниб етдик.

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида» (2009 йил 1 апрель) ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» (2009 йил 1 июль) қарорлар юртимизда энг аввало, ҳар бир оила учун, шунинг-

дек, барча соҳаларда йил сайин фаоллашиб бораётган хотин-қизларнинг ҳар томонлама етук авлодни вояга етказиш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан боғлиқ долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида ўзига хос дастуриламал сифатида хизмат қилмоқда.

Э. ЕШИМБЕТОВА,
Тўртқўл туман 1-сон ФХД
бўлими мудири вазифасини
бажарувчи.

Хар сафар тоққа борганимда она табиатнинг маҳоратига, Яратганнинг қудрати ила яратилган баланд қояларга термилиб, вужудимни аллақандай хислар чулғайди. Тўрт томони баланд қирлар билан ўралган Олтихувус қишлоғида ёруғ дунё ташвишлари мужассам. Баланд қоялар оралаб кетадиган илонизи йўллар туғач, саноклигина уйлар кўзга ташланади. Баланд тепаликда йўлга тиклиб ўтирган киши эътиборни тортади. Бу одамнинг бутун умри мана шу тоғу тошлар орасида ўтган, юзларидан саховат ва меҳр, ўзбекона нур ёғилиб турадиган Мусурмонкул Шодмонқулов бўлади. Уни ҳамма бирдек эъзозлаб, "Тоғлик тоғамиз" деб хурматини жойига қўяди. Қоятошлару сирли горларга, бири-биридан ўзаман деган соф булоқлар ўйинига унинг бутун кечими яширингандек. Тоға бу ердаги турфа хил ўт-ўланни, ҳар битта гиёҳни жуда яхши билади. Анча олисдан туриб: "Фалон касалликка даво бўлгучи гиёҳ борга

тофон, радио, уяли телефон ва компьютерга бор. Юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги ва маданий ривожини тоғдаги кичкинагина шу қишлоқча мисолида равшанроқ кўриш мумкин. Тош билан ўралган шарқона нақшинкор уйларни бир зум кузатиб, тоғда шунақа бинолар борлигига ҳавас қиласиз. Мусурмонкул тоғанинг илмдонлигини айтмайсизми, кишини сира зериктирмайди.


Муборак ҳаж сафаридан кейин тоғанинг кайфияти янада кўтарилди. Муқтаиллик шарофати билан шу бир тоғ этагидаги қишлоқдан ана шундай муқаддас жойларга бориш насиб этганидан такрор-такрор шукроналар айтганига гувоҳимиз. У киши баланд қояларга чиқиб, юртимиз ва эл улус, яхшилар шаънига дуолар қилишни хуш кўра, нурли чехрасидаги мамнуниятни, шукроналикни кўрган ҳар қандай кишига бу ҳолат беихтиёр юқиб қоларди...

Тоға тоғликлар одадига кўра, келган меҳмоннинг оёғи остига қўй

ТОҒЛИК ТОҒА

ўхшайди", деб одамларни хайратга солади. Қайси дарахтнинг қачон ва қанақа гуллаганини кўрмасдан айта олади. Зотан, унинг вужудига мана шу она масканинг, сокин ва пурвиқор қишлоқнинг ҳамма сир-асрорлари, муҳаббати чуқур сингиб кетган.

Тоға узок йиллар ўрмонбеги вазифини ишлаган. Гектарлаб майдонга pista, бодом, ёнғок, олма, нок, арча дарахтларини ўтказган. Соё ёқалаб шовуллаб турган баланд бўйли миззатераклар ҳар қандай кишига хузур бағишлайди. Иморатга терак кесиладими, дарров ўрнига янғиси қадалади. Ақлингиз лол қоладиган тик қирларда Мусурмонкул ақанинг заковати билан тонналаб картошка, нўхат ва бошқа полиз махсулотлари йиғиштириб олинади. Май ойидаги асалнинг шифобахшлигини эслатмай қўяверинг. Меҳмон келганларга дарров ана шу асалдан татишни таклиф этади. Турли зирavorлар, айниқса, зирадан ҳар йили янги ҳосил йиғилади. Тоға ўзига хос фелъ-атворли бўлгани билан тиниб-тинчимас, тadbиркор, умшoқ табиат, ўта меҳрибон. Қандай қийин вазиятда бўлмасин, ҳатто ҳужум қилган бўригаям милтиқ ўқталмаган. "Бу жониворларнинг зоти камайиб кетаяпти, уларга тегинмансанг, ёмонлик қилмайди", дейди маъъус тортиб. Меҳмондорчилик қаҳрамонимизга ота-бобосидан, авлодаждодидан ўтган. Авваллари тоққа йилда икки-уч бор бившиш мумкин эди, йўл носоз, қиш-қировли кунларда умуман транспорт туғул, пидеям юриб бўлмасди. Йўл четидаги икки тарафини ўраб турган баланд дара кишини ваҳимага солиб турарди. Улар меҳмонларни улуғлаб "пастдагилар" дейишарди. Бу дегани шаҳарданми ёки пастки қишлоқданми, меҳмонларнинг таширифи бўлади-да. Йиллар ўтиб тоққа бошқача ҳаёт тарзи кириб келган, муқтаилликнинг ҳаётбахш эпкинни айнан мана шу маконларда янаям аниқ ва равшан сезилади. Пастликдаги катта сойга махсус двигателъ ўрнатилиб, электр чироқлари порлади, телевизор кечаю кундуз дунё янгиликларидан хабардор қилиб туради. Замонавий магни-



сўйдиради. Шу сабабми, унинг чорвасига шунчалар барака ёғиладики, мол-ҳолнинг саногини билишмайди баъзан. Эрта тонг кўчи ётоғидан бош кўтармасдан катта дошқозонда янги соғилган куюқ сут қайнаб туради. Сутнинг юзасидаги пишган қаймоқни емабсиз, қаймоқ нималигини билмабсиз. Яна бир кичикроқ қозонда эчки сuti пиширилади. Буни тоға "Бақувват бўласизлар", деб болаларга кўпроқ илинади. Булоқбошидан келадиган катта сой ичига челақ-челақ янги ивтирилган ёғли қатиклар териб қўйилади, муздеккина, тишни кесаман дейди. Мазасини-ку айтманг...

Ҳар йили ёз бошланиси билан тоққа келувчиларнинг сони ортади. Тоғанинг турли жойларда яшайдиган неваралари, узок-яқин қариндошлари ҳордиқ чиқаргани келишади. Ипакек мулойим кампири Хосият момо ҳам меҳмонлар таширифидан боши осмонга етади. Юзлари нақшин олмадек тип-тинч, меҳнат қилиб толмайдиган сулувгина келини Инобатнинг қўли-қўлига тегмай, ош-нон тайёрлайди. Сахармардон туриб, одатига кўра, 15-20 та сигирни соғайди, қуви пишияди, курут думалатади, меҳмонлар хурматига тўрт-бешта қозон пастирни лаҳча чўғда пишириб, ўртасига кува ёғларини солиб дастурхонга тортади. У санаб, санагига етолмайдиган уй-рўзгор юмушларини шунчалар энгил ва жозибали бажарадики, қараб ҳавасингиз келади. Йиғирмаўттизи одамга кечаси кўрпа-тўшак солиб, эрталаб йиғиштиришгача беминнат бажаради. Бирор марта келди-кетдидан чарчадими, деган сўзни тилга олмайди, қовоғини уймайди. Бу келиннинг хизматини кўрган ҳар қандай инсон, киройи келининг шундай

Инсон ўзинг...

бўлса, деб орзулайди. Умуман тоғдаги келинларнинг юзлари нақш олмадек тинч ва жозибадор, қошларида ўсма, қўлларида хина. Аёллик назокатини, ибo ва ҳаёсини, тавозени, қақонлик ҳам укувлиликни улардан ўргангинг келади...

Бир гал ҳамкасбларим билан тоққа дам олгани шу кадрдон хонадонга бордик. Тоғликлар таомилига биноан, дарров уй эгалари ташвишга тушиб қолишди, дастурхонга тоғдаги жамики ноз-неъматлар тўшаб ташланди. Писта, бодом, салгина сиқсангиз сариқ олтиндек мағзи кўринадиган ёнғоклар, бир энли қаймоқли коса-коса муздек қатиклар, қуви сариеғи, эрта билан тайёрланган қозон патирлар, яхна гўштар... Мезбонларнинг хурсандчилигини таърифлашга сўз ожизлик қилади.

— Келиним дўстлари билан ҳадди сиғиб келибди, серкадан сўйинглар! — дейди ўғилларига.

— Биз қўй сўйдирмоқчи эдик, — дедим тоғага қараб. — Серка қанақа бўларкин?

— Серкани билмайсизлар ҳам, — кулди юзлари ёришиб. — Қўйнинг гўшtidан ўн қарра мазали ва кучлироқ. Серка қўй чиқолмайдиган ўнгирлардан гиёҳларни териб ейди, гўшти шифобахш ва мазали бўлиши шундан. У кучли-да, лоҳас бўлмасаларинг, мазза қиласизлар. Пулинг чўнтагинда турсин, кўрада қўй-кўзилар, серкалар сероб, ҳали мен тирикман, бемалол келиб, еб-ичиб кетинглар, Аллоҳ рози бўлсин...

Тоғанинг танти ва самимий гапларига яйраб кулаамиз. Шарқираган сой четида гилам тўшаллади, дастурхонга тоғ кўкатлари ва тоза зира сепилиб, қовурилган гўштардан лаган-лаган келтирилади. Янги ивтирилган қатик челаги билан сойда турибди, истанганча ичамиз. Шу кунни дўстларимиз яқин йилларда бу қадар мириқиб дам олишмаганини ва мазали таом истеъмол қилишмаганини айтиб, Мусурмонкул Шодмонқуловга ва оила аъзоларига раҳматлар айтишди.

Орадан йиллар ўтса-да, кўпчилик ўша мириқиб дам олган гўша ва дунё кўрган, хайр-саховатли тоғамизни, аёли, ўғил ва келинларининг меҳмоннавозлигини такрор-такрор эсга олади. *Дунёдаги энг яхши ва очик кўнгли, меҳмон деса жонини берадиган кишилар тоғда яшаркан, дейишади. Балки ҳақ гапдир. Тоғага ўхшаган меҳридарё, яхши хулқли ва бағрикенг, ниҳоятда очик қўли инсонлар, афсуски, жуда кам. Борини бировга тутган инсонга Аллоҳ сарфлаган мол-мулкдан мўл қилиб қайтаришини бу меҳри дарё инсон тимсолида кўрганман.* Яратган бехисоб боғу роғлари, эккан янги арчаларию чинорлари, ёнғоклари, дўланаю pista-бодомлари тоғажонимизнинг иккинчи умри давом этаётганидан далолатдир, аслида.

Ҳаёт ўткинчи, дунё бевафо. Мусурмонкул ака оламдан ўтгач, назаримда, салобатли тоғлар айрилиқдан мунгайгандек. Неча йиллик арчалар энкайиб, мотам тутаётгандек, пурвиқор тоғу тошлар алланечук ҳувиллаб қолгандек. Ҳаёт шунақа, тириклигида билмаганимиз, кадрламаганимиз, алломасифат зотлар орамизда юрди-ю, уни фақат абадий йўқотгачгина излаб, соғиниб қоламиз. Бизнинг катта хатомизи ҳам шундадир балки. Зеро, ақлли ва беназир инсонлар: "Менинг қадримга ет, ардоқла ва мен ҳам меҳмонман, бир кунни бу дунёдан кетаман", дедим экан-да...

Норинисо КОСИМОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Жиззах вилояти.

МАҲАЛЛА МАСЛАХАТЧИСИ

ТОТУВЛИК ТИМСОЛИ

Ота-боболаримиз қалъаю кўрғонлар ичра маҳаллалар барпо этиб, унда нафақат бир тану бир жон бўлиб ҳаёт кечирришган, балки шу масканда беқисс миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизни ҳам шакллантириш борасида ўзига хос мактаб яратган, десак, муболага бўлмайди. Кўрғонтепа туманидаги Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Усмон Носир маҳалласи аҳли ҳам бугунги кунда ана шундай боқий аъналарни изчил давом эттириб келатган гўшалардан бири.

Икки мингдан зиёд аҳоли тинч-товуш яшаб келатган бу йигин бамисоли катта бир оилани эслатади. Муқтаилликнинг 22 йиллиги арафасида ҳукуматимиз томонидан «Шухрат» медали билан тақдирланган Доноҳон Ҳабибуллаева 2004 йилдан бери шу маҳалланинг жонқуяр маслаҳатчиси, кайвони онахони. Опа кечаю кундуз ўшбу ҳудуд аҳлининг тинчлиги, оилалар мустақамлигини таъминлаш йўлида елиб-югуради.

Яна бир эътиборли жиҳати, куюнчак маслаҳатчини шу ҳудудда жойлашган 33- ҳамда 35-умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчи ёшлари ҳам ўзларига энг янги кўмакчи сифатида хурмат қилишади.

— Юртимизда кенг оммалашган "Маҳалла — мактаб — оила" ҳамкорлиги бизнинг маҳалламизда ҳам яхши самара бермоқда, — дейди Доноҳон опа. — Мактаб директорлари Шокиржон Фозилов ҳамда Мингилло Аҳмедовлар билан доимо биргаликда, режа асосида иш олиб бораёпмиз. Турли мавзуларда ўтказилаётган маърифий суҳбатлар, учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирипти. Негаки, ҳозирги йигит-қизларнинг тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгача. Ҳаёт, оила, турмушнинг қувонч-ташвишларига муносабатини кўриб қувониб кетасиз. Негаки, улар ўзларига давлатимиз томонидан яратиб берилатган шароит ва имкониятлар моҳиятини теранроқ англашяпти.

Доноҳон опанинг айтган гапларида жон бор. Чунки мазкур маҳалла аҳли орасида хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик ҳамда новвойчилик бобида катта тажриба ортирганлар кўп. Махпиратхон ая Юсупова, Нодирахон Иминова, Ойистахон Саримсоқова сингари хунарманд аёллар "устоз-шогид" йўналишида иш ташкил қилишиб, кўплаб ёшларга ўз хунарларини ўргатмоқдалар. Шунингдек, худуднинг ўзида фаолият кўрсатётган "Матонат-барака" ва "Ақбаржон ерлари" фермер ҳўжаликлари эришаётган ютуқлар ҳам чаккимас. Қувончлиси, маҳалла ҳазарининг янгидан дарёко этилиши, 10 та янги типдаги дўконларнинг қурилиши ҳам янги иш ўринларининг яратилишида замин бўлди.

Доноҳон опа қайси хонадон дарвозасидан кириб борса, каттаю кичик ёруғ юз билан қаршилайди. Бойси, шу кунгача бу тиниб-тинчимас маслаҳатчининг саъй-ҳаракатлари тудайли бир неча носоғлом муҳит юзага келган оилаларда тотувлик тимсоли — ёруғ чироқлар ёнди, муаммолу рўзгор соҳиблари билан яқка тартибда ишлаш ва суҳбатлар ўтказиш, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги ўз мевасини кўрсатди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Андижон вилояти.

Ўриш САФАРОВ,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:

ЭНГ БАХТЛИ ОДАМ — ЎҚИТУВЧИ!

— Ўриш ака, бугун сиз билан улуг айём — Ўқитувчи ва мураббийлар кунлари арафасида дийдорлашиб турибмиз. Ушбу юксак мукофот муборак бўлсин!

— Ташаккур! Мендан кўпчилик ҳамкасбларим, “Ўзингиз оддий деҳқон оиласида туғилган бўлсангиз, бундай обрў-мартабага қандай эришдингиз?” деб сўрашса, “Ўзгалар фарзандига ўз боламдек меҳр қўйиб, чин юракдан таълим-тарбия бердим”, дейман. Шукри, шунча йиллик машаққатли изланишларим зое кетмади. Бугунги кун боласининг кўнглига оддий қалам ёки қоғоз, панду насихат орқалигина йўл топиш мушкул эканлигини чуқур англаб, тушуниб, амалий тажрибалар қўллашга киришдим. Замонавий ахборот қурилмаларидан фойдаланган ҳолда, дунё стандартларига жавоб бердиган таълим тизимини яратиш зарур, деган мақсадни олдимга қўйдим. Уч-тўрт йиллик изланишлар ўз самарасини берди: 2008 йилда “Дарсада ахборот технология қурилмаларидан самарали ва оптимал фойдаланиш имкониятлари” номи биринчи услубий қўлланма яратдим. 2010 йили “Касб-ҳунар коллежларида замонавий педагогик технология асосида дарсни ташкил қилиш усуллари”, 2011 йил “Диплом лойиҳа ишларини ва диплом ишнинг ташкил этиш методикаси”, 2012 йил “Диплом лойиҳа ишларида ўқувчиларнинг “Ижодкорлик ишлари”ни шакллантириш методикаси”, 2013 йил “WINDOWS XP операцион тизимини ўрнатилишнинг оддий усуллари” бора-сида ишлаб чиққан қўлланмаларимдан ўқитувчиларнинг 80 фоизи бугунги кунда ўз дарс-машғулотида самарали фойдаланишмоқда.

— Устоз макомига эришган инсон сифатида ўзингизга мураббийлик қилган зотларни ҳам эслаб ўтсангиз.

— Ўқитувчилик касбига меҳр қўйишимда муаллимларим Абдуасид Умрзоқов, Ҳикмат Исроилов, Эркин Бердиқуловларнинг хизмати катта бўлган. Иккинчи синфда ўқибганимда Сайфиддин Шайзақов Уйғуннинг шеърини ёдлаб келишни уйга ва-

зифа қилиб берди. Кейинги дарсада шеърни ёддан айтганимда, устоз ёнимга келиб, елкамга қўлини қўйиб, “Отанга раҳмат, улғайсанг, менга шогирд бўласан”, деб бошидаги дўппинини кийдириб қўйган. Ўша дўппини уйга олиб бориб, чиройли қоғозга ўраб, уйимнинг тўрида ас-

миллион сўмлик маблағ ажратилди. Кўшимча тартибда 3 та ўқув хонаси керакли анжомлар билан жиҳозланди ва АРМ хонасига 6 дона замонавий компьютер мажмуаси берилди. Буларнинг ҳаммаси эрта-миз эгалари бўлган ёшларимизни янада илмли, маърифатли қилиб тарбия-



раб юраман. Ана шу рағбат меннинг ўқишга, педагогликка бўлган иштиёқимни оширган. Эндиликда бу ибратли одатни шогирдларимга қўлаб келаяман. Коллежизмда Чарос Ҳосилова деган ўқувчи бор. Иссиқми, совуқми демай, ҳаммадан олдин дарсга келади. Ўтган йил қишда эрталабки сафланишда маърузадан сўнг, ўқувчиларга юзланиб, “Ҳозир мен сизларга коллежимиз қаҳрамонини таништираман”, дедим. Ҳамма хайрон. Чаросни даврага чақириб, “Сен Президентимиз истаган ақлли, билимли ва албатта доно авлод вақиласан, келажакда етук мутахассис бўлишингга тилақдошим”, деб, унга китоб совға қилдим. Ҳамма қарсақ чалиб юборди. Чаросга кўрсатилган бу эътибор, бошқа ўқувчилар кўнглида ҳам дарсга ўз вақтида келишга, янада яхшироқ ўқиш ва изланишга рағбат уйғотиб юборди...

Кейинги беш йил ичида таълимни жадал ривожлантириш бўйича дунё миқёсида олганда, 110 дан ортққ давлат ичида Ўзбекистоннинг иккинчи ўринга чиқishi ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди. Эътибор берайлик, ҳукуратимиз томонидан спорт, санъат, таълим соҳасини ривожлантириш учун миллиардлаб маблағлар ажратилди. Оддий мисол, ўзим ишлаётган коллежни тўлиқ капитал таъмирлаш учун жорий йилнинг ўзида 392

лаш учун ажратилаётганлиги эътиборга лойиқдир.

— Эракнинг уйида тинчи бўлса, ишлари бароридан келади, дейишади. Қўлга киритган ютуқларингизда оилангизнинг ҳам ҳиссаси катта бўлса керак?

— Бўлмасам-чи, турмуш ўртоғим Насибахон Сафарованинг касби ҳамшира. Бир-биримиз билан учрашиб юрган пайтларимиз: “Менга турмушга чиқсангиз кўп нарсага чидашингизга тўғри келади. Оилани фақат маош билан боқаман, бошқа даромадим бўлмайди”, деганман. У бўлса меннинг айтган бу гапимга кулиб қўйган холос. Худога шукри, бахтли яша-япмиз, бориға ҳам, йўғига ҳам кўнди. Кейинчалик уйимда мол-қўй боқдим, деҳқончилик билан шуғулландим. Насибахон ҳаммаша, ҳар ишда ёнимда кўмакчим бўлди. Бир-биримизга суяндиқ. Тўрт нафар фарзандимизни ҳалол меҳнат билан вояга етказиб, ўқитиб, тарбиялаб, эл қаторига қўшдик.

— Оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигини узвий боғлаш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайсиз?

— Айрим давраларда оталар фарзандлари вақтинги кўпроқ интернет кафеларида ўтказатганидан ташвишланиб гапириб қолишади. Тўғриси айтсам, ҳозирги ахборот алмашинуви болалар тарбиясида жуда кучли таъ-



Гурун г

сирга эга. Интернетдаги сайтларга болаларни ўқишдан чалғитадиган турли дастурлар киритилаяпти. Болага эркинлик берилганидан кейин, ота-она назоратида бўлмаганидан сўнг у кўнгли тусанган ишини қилади-да. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари жамоатчилик назоратида бўлишлари учун шахсан менинг ўзим янги дастур ишлаб чиқдим. Масалан, бизнинг коллеж компьютерларида кўнгилочар ўйинлар умуман йўқ, нега десангиз улар ўқувчини чалғитади. Қолаверса, бу тажрибанинг илк босқичларини ўзимиз яшаётган маҳаллада сынаб кўраймиз. Маҳалла оқсоқоли Халил Қаршибоев билан ҳамкорликда спорт тўғрақларини жонлантириш ишларини йўлга қўйдик. Бу тажриба яхши самара бериб, ўқувчиларимиз орасидан туман, вилоят чемпионлари етишиб чиқди. Мақсадим, бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчи эртага улғаяди, оила қуради, маҳалла-қўйга аралашади, демак, биз устозлар ҳозирданок болалар қалбида оила ва маҳаллага меҳр уйғотишимиз зарур.

— Ўриш ака, ҳам машаққатли, ҳам шарафли ўқитувчи деган улуг номга муносиб бўлиш осонми?

— Муборак ҳадиси шарифларда ҳам “Бешиқдан қабргача илм изла” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Демак, бизнинг ҳар биримиз ҳаёт аталмиш улуг мактабда гоҳи ўқувчимиз, гоҳи муаллимимиз-да. Шундай бўлгач, ўқитувчилик, устозлик ниҳоятда оғир ва масъулиятли соҳа. Айниқса, бугунги кунда таълим соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда бизнинг зиммасизга юз қарра, керак бўлса миллион қарра каттароқ жавобгарлик юкланмоқда. Мустақиллик даври авлоди ниҳоятда талабчан ва изланувчан, уларни кераксиз машғултолар билан чалғитиш шартмас, аксинча, руҳини, ақлини тарбиялайдиган, чарчайдиган сабоқларга йўналтирсаккина, биздан миннатдор бўлади.

Ўзим яшаётган Окқўрғон туманида қайси маҳалла, гузар ёки қишлоққа борсам, кўча-қўйдами, бирор тадбир ёки давралардами, аксариятини эслолмайман, ким билан кўришиб қўлсам: “Устоз, сиз бизни ўқитгансиз, ташаккур, бир умр таъзимдамиз”, дейишса, бошим осмонга етади. Тўғри, ўқитувчиликнинг нони қаттиқ, меҳнати оғир, лекин, бор меҳрмуҳаббатингизни бағишлаган шогирдингиз умидишончингизни оқласа, ҳар қандай машаққат бир лаҳзада унут бўлади, суюнасиз, сиздан бахтлироқ одам бу дунёда бўлмайди гўё.

«Оила ва жамият»
муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.

Суратларни Назира
БОЙМУРОДОВА олган.



КУЛУН – тилимизда отнинг бир ёшгача бўлган боласи “кулун” сўзи билан ифодаланади. Шунингдек, ўғил болаларни эркалатиб ҳам “кулун” дейишади.

Кунгай тарафларда ердан тафт кела бошлаганда, кулун билан бияни етаклаб олиб чиқаман.

Саид Аҳмад

Ҳой, отгинанг нима эди, кулуним, шўрванг совиб қолди!

Одил Ёқубов

ҚАПЧИҒАЙ – юртимизда бу сўз билан аталадиган жой номлари ҳам бор. “Қапчиғай” сўзи асли “дара”, “тоғ йўли”, “тор, ўтиш қийин бўлган жой” каби маъноларни англатади. “Қапчиғай” сўзига асос бўлган “қапчи” сўзи “икки ёндан қисмиш” деган маънони англатган.

ҲАШАМАТ – тилимизда “ҳашамат” сўзи “дабдаба”, “сават”, “тантанали ҳолат” маъноларини англатишни яхши биламиз. Қизиғи шундаки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да изоҳланишича, бу сўзнинг туб маъноси ҳозирги маъносига бутунлай зид маънога эга. Яъни, “ҳашамат” сўзининг туб илдизи “камтарлик”, “уятчанлик”, “одоб”, “хушхулқлик”, “хурмат” каби маъноларни англатган.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўзнинг туб илдизи “уялтирди” мазмунини ифодалаган.

НОМУС – тилимиздаги бу сўзнинг маъносини билмаган ва уни қадрламаган одам халқимиз орасида топилмаса керак. Хўш, ҳаммамиз учун қадри бўлган “номус” сўзнинг туб илдизи қандай маънони билдирган? “Номус” сўзнинг туб маъноси “қонун”, “виждан” деган мазмунни англатган.

Баланд-баланд тоғнинг қори бўлади, Мард йигитнинг номус-ори бўлади.

Фозил шоир

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Устоз, мураббий... Бу икки сўз замирида бир дунё



ҳикматлар яширингандек. Таълим соҳаси фидойиси бўлмоқлик ҳар кимга ҳам на-сиб этавермай-ди. Бунинг учун буюк қалб, метин ирода соҳиби

бўлиш ниҳоятда зарур.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

1 ОКТЯБРЬ —

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан барча ватандошларимизни самимий му-
бракбод этади!

**Муҳтарам
устозлар!**

Мустақил Ватани-
мизнинг муносиб во-
рисларини тарбия-
лашдек масъулиятли
ва шарафли вазифа-
ни адо этишда сиз-
ларга сизхат-сало-
матлик, куч-қувват
ҳамиша ҳамроҳ
бўлсин!

РЕКЛАМА



АНГРЕН ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ



Президентимиз ташаббуси билан муста-
қиллик даврида умумхалқ байрами сифати-
да эътироф этилган 1 октябрь — Ўқитувчи
ва мураббийлар куни арафасида мамлака-
тимиз аҳлини самимий табриклайди!

Ҳозирги кунда бўлим тасарруфида 45 та
мактаб, 45 та мактабгача таълим муас-
сасаси, 10 та мактабдан ташқари таълим
муассасалари мавжуд бўлиб, уларда жами
5010 нафар педагог-ҳодимлар фаолият
юритмоқда. Жорий йилда шаҳардаги 20-
ҳамда 38-мактаблар капитал реконструк-
ция қилинган бўлса, 23-сонли мусиқа ва
санъат мактаби тўлиқ таъмирдан чиқа-
рилди. Эътиборли томони, 5 та мактаб ва
5 та болалар боғчаси бўлимдаги намунали
муассасалар сифатида эътироф қилинган.

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
МУҲТАРАМ УСТОЗЛАР!**

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция - 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.
МУЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот техноло-
гиялари университети Ахбо-
рот технологиялари факуль-
тети 3-босқич талабаси Эса-
нов Хуршиджон номига бе-
рилган талабалик гувоҳнома-
си йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Чилонзор
тумани 11-мавзе 2-уй 56-хо-
надонда яшовчи Юлдашева
Адолат Бахрамовна номига ер
ва кўчмас мулк кадастри то-
монидан берилган уй режаси
ва ордери йўқолганлиги са-
бабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

САЛОМАТЛИК ҲИМОЯЧИСИ



Қизиқ-да, орамизда шундай одамлар бор — “Янги русумдаги машинамни ҳамма кўрсин”, дея макта-ниб, қишлоғи ё кўчасини чангитиб ўтади. Яна шундай хокисор ва қалби дарё инсонлар ҳам борки, “Мен билан ёнма-ён яшаётганларга заррача бўлса-да, чанг-губор юкмасин”, деб, ҳатто кўча-кўйда қадамни ҳам оҳиста босади...

Ургут туманидаги Ўрамас маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган Зафар Маҳматмуродов ҳам тонг саҳарда ишга отланаркан, машинасини секин юргизиб, йўл-йўлакай кўни-кўшни, таниш-беғоналардан ҳол-аҳвол сўраб ўтади.

Йигирма беш йилдан буён шарафли соҳада фаолият юритиб келаётган бу жонкуяр шифокор эл-юрт манфаати йўлида ўз ҳаловатидан воз кечадиган фидойи инсонлардан бири сифатида ном қозонган.

— Қишлоғимизда дўхтирлар кўп, — дейди Ўрамас маҳалласи фахрийси Олим ака Раҳимқулов, — аммо бу дард деганлари вақт билан ҳисоблашармиди, ярим кечасими, саҳармардондами, сал тобимиз қочиб қолса, ҳеч иккиланмасдан, ботиниб эшик қоқиб борадиганимиз шу Зафаржоннинг хонадони. Нега десангиз, у бирор марта беморларни кўришдан эринмайди. Ўз вақтида биринчи тиббий ёрдам кўрсата-

ди, шошилич бўлса, касалхонага йўллайди. Ким бўлишидан қатъи назар, дарвозасини тақиллатиб борса, ишдан чарчаб келган бўлсаям кўлидан келгунча кўмак беради. Кўли энгиллиги, ширинсуханлиги туфайли ортида ҳам, олдида ҳам фақат мақтов гаплар айтишади.

Кўпнинг дуоси кўкартиради, деганлари рост. Ўзининг эзгу амаллари билан элдошлари олқишига сазовор бўлиб келаётган Зафар Маҳматмуродов дастлаб иш фаолиятини Самарқанд шаҳридаги 1-сонли клиникада бошлаган бўлса, кейинчалик Самарқанд Тиббиёт институтининг 2-клиникасида, сўнг Ургут туман тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими ва туман ТМЭК (Тиббий меҳнат эксперт комиссияси)да давом эттирди. Аини пайтда эса Ургут туманига қарашли 61-сонли ТМЭК раиси лавозимида иш юритмоқда.

Яна бир қувончли жиҳати, у ўз оиласида ибратли ота. Тур-

Тиббиёт фидойилари

муш ўртоғи Комила опа билан биргаликда икки қиз, бир ўғилни юртга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга астойдил ҳаракат қилишяпти. Келажагимиз эгаларининг баркамол ва етук шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Бўш вақтларини беҳуда сарфламан деб, болаларини қизиқишларига қараб турли тўғарақлар, қўшимча машғулотлар билан банд қилган.

— Эгаллаган соҳамиз битта, яъни тиббиётчи бўлганим учун аввало мен умр йўлдошимни тўғри тушунаман, имкони бори-ча бир-биримизни қўллаб-қувватлашга уринамиз. Одамда ҳар хил ҳолат бўлиши табиий. Инсонмиз, айниқса, эркалар кайфият одами. Шундай пайтда вазиятни тўғри баҳолай олган аёлгина ҳар қандай муаммога ечим топа олади. Баъзан бемалол дам олишга ҳам вақт тополмайди, — дейди Комила опа. — Лекин шундай бўлса-да, оилага, болалар тарбиясига жиддий эътибор бериш билан бирга, уларнинг ўзлари билан суҳбатлашиб, назорат қилишни қанда қилмайди. Вақти келса, меҳрибон, самимий, дилкаш инсон, вақти келса, ўта талабчан, қаттиққўл оила бошлиғи бўлиб ўғил-қизларимиз тарбияси билан алоҳида шуғулланади. Улар учун биринчи ўринда тартиб-интизом туради.

Албатта, тартиб-интизом бор жойда масъулият, юксалиш бўлади. Эл-юрт олдидаги масъулиятини ҳис қилган инсон борки, тиним билмайди, елиб-югуради. Машаққатли меҳнати ортидан қанча-қанча беморлар дардига шифо топиш билан биргаликда, яқинлари, ҳамқишлоқлари, шунингдек, ҳамкасблари кўнглига ҳам йўл топа олган Зафар Маҳматмуродов сингари шифокорлар ҳар доим элда обрў топаверади.

**Узоқ ОМОНОВ,
Самарқанд вилояти.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Акс-садо

КЕЧИРИМЛИЛИК ОМАД КЕЛТИРАДИ

“Икки ўт орасида”, 30-сон

Ёшим 78 да. “Оила ва жамият” газетасини 1991 йилдан бери ўқиб келаман. Мактабда муаллим бўлиб ишлаган пайтларим юқори синфларда газетанинг ахлоқ-одоб, ёшлар тарбиясига доир мақолаларидан фойдаланганман.

“Икки йўл орасида” мақоласини такрор-такрор ўқиб чиқдим. Ва ҳаётда кўрган-кечирганларим асосида ўз муносабатларимни билдиришни жоиз топдим.

Инсон ҳаётида ҳар хил воқеа-ҳодисалар бўлиши табиий ҳол. Кумри (қайсидир қизим ёки ўғлим билан тенгдошдир) касалхонага тушиб қолгани ва у ерда Замира билан танишгани, унга озми-кўпми елкадош бўлгани ҳақида баён этади. “Замира жуда дилхуш аёл эди. Ўзига оро бериб, бир гапириб ўн кулиб яшарди”, дейилади мақолада.

Халқимизда “Танача кўзини сузма, букача ипини узмайди”, деган пурҳикмат мақол бор. Замира ҳам Кумрининг эри Шавкатга кўзларини сузиб, турли ишвалар билан уни ўзига оғдириб олган бўлса бордир. “Чин сингли”ликни даъво қилган бу аёлнинг ушбу қилмиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Мен турмуш ўртоғи Шавкат етказган жабр-зулмларга, ҳатто ёлғиз ўғлини “Машинанинг тагида қолсин” дея қаргаганига бардош бергани, эрининг қилмишларини меҳрибон қайнота-қайнонасига очик-ойдин айтмай, сабр-тоқат қилгани учун бу аёлга “Иродангга балли, Кумрихон” деб хайқиргим келди.

Шавкатнинг бош эгиб келиб, ўғлидан уэр сўраб: “Қаттиқ адашган эканман, ойинг мени кечира олармикан” дейиши мард эркакнинг ўз хатосини кеч бўлса-да, тузатиш учун тутган тадбиридир.

Кумрихон, ўзингиз тан олганингиздек, Шавкат билан турмушларинг давомида яхши кунлар кўп бўлган экан. Савлатидан от хурқадиган одамнинг ўз ўғли олдида кечирим сўраб, мунгайиб туриши, юрагингизни увиштирган бўлса, сиз ҳам уни кечиринг. Чунки, “Эгилган бошни қилич кесмас” деган нақл бежизга айтилмаган. Шунини яхши билингики, кечиримлилик ҳам бахт келтиради.

Шавкат билан яна аҳил-иноқ яшаб кетасизлар, деб умид қиламан. Чунки сиздек ақлли аёл фарзандлари учун отанинг меҳри жуда муҳим эканини яхши тушунади.

**Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.**

Ёнғинларнинг олдини олиш ва имкон қадар тезроқ бартараф этишда биноларнинг юқори даражали телекоммуникация ва автоматлаштирилган техник воситалар билан жиҳозланиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Ёнғиннинг бошланғич жараёнида, маълум муддат суст ёниш ва кўп миқдорда тутун ажралиб чиқиши кузатилади. Айрим пайтларда бундай ҳолат бир неча соат давом этади. Ҳарорат сезиларли даражага етгунча хона газ ва тутунга тўлади. Бундай пайтларда бизга ёнғин хабарловчилари ёрдам беради.

Тутунли оптик манзил аналогли 2251 — русумли ёнғин хабарловчиси бундай техник воситаларнинг янги авлоди бўлиб, у олдингиларининг барча етук жиҳатларини сақлаб қолган ва функционал ҳамда сервис жи-

ЁНҒИНГА ҚАРШИ ЗАМОНАВИЙ ВОСИТА

ҳатидан қўшимча хусусиятларга ҳам эга. Тутун ва иссиқликни тез илғайдиган бундай мосламаларга тутунни аниқлайдиган оптик-электрон ва иссиқликни аниқлайдиган максималдифференциал датчиклар бириктирилган.

2251 — русумли ёнғин хабарловчиларининг тутунни сезиш орқали ишлайдиган оптик-электрон ИП 212-60 А тури ёнғинни исталган турида ҳимояни таъминлаб, бинода тутун ҳосил бўлаётгандаёқ ёнғин ҳақида хабар беради. ИП 101-24 А тури эса бир вақтнинг ўзида тутунни ва иссиқликни сезиш орқали ёнғин хабарини

яна ҳам тезроқ етказа олади. Мутахассислар аввалги хабарловчиларга қараганда мазкур мосламаларнинг тезлиги ва сезгирлиги 5 барабар сифатли, ёнғинни аниқлаши эса 3 барабар юқори эканини таъкидлашмоқда. Бундай хабарловчилар турли материалларнинг (юмшоқ мато, пенопласт ва ҳ.к.) милтиллаб ёниши ёки электр ускуналарининг қизиши натижасида ҳосил бўлган тутунларни ҳам аниқлаш имкониятига эга.

Турли биноларда, турар-жой ва ишхоналарда ёнғинга қарши курашиш ва унинг олдини олишда мазкур русумдаги хабарловчи мосламалардан

Янгилик

фойдаланиш самарали натижаларни беради. Бундай мосламалардан фойдаланганда эса уларнинг техник кўрсаткичлари ҳамда ўрнатиш усулларини мукамал билган ҳолда меъёрий усулларга амал қилиш тавсия этилади. Уларнинг узоқ муддатли сифатли хизмат кўрсатиши, бинонинг тўлиқ автоматлаштирилган бошқарув тизимининг самарадорлиги ва уларни малакали ишлатилишига боғлиқ.

**Б.ИБРАГИМОВ,
техника фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
ЁХОТМ ИТТНФТ бўлими
бошлиғи, подполковник.**

“ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар байрами

билан халқимизни, соҳа
ходимларини самимий
қутлайди!

Фарзандларимиз-
нинг таълим-тарбияси,
бахт-саодати йўлида
кўрсатаётган олийҳим-
мат, бетакрор хизматин-
гизни ҳар қанча улуғла-
сак, шарафласак шунча
кам.

Мустақил Ватанимизнинг ёруғ келажаги эгаларини
маънавиятли, етук, оқил ва, албатта, доно бўлишидаги
самарали меҳнатингиз роҳатини кўрмоқ барчангизга
насиб этсин.

**Умумхалқ байрамингиз муборак бўлсин,
муҳтарам устоз ва мураббийлар!**

РЕКЛАМА



Бахт кечаси. Ҳаяжонли лаҳзалар...
Карнай-сурнай садолари янграйди.
Кексалар дуога қўл очади: "Қўша
қаринлар, ували-жўвали бўлинглар
болаларим!" Эл-улус бараварига бу
икки ёшга саодат тилайди, омад ти-
лайди. Унутилмас онлар эртага орт-
да қолади. Оила аталмиш улуг қар-
вон йўлга чиқди...

Бугунги кунда шаҳримиздаги Саид
Ризо Ализода, "Нурли Келажак" ма-
ҳаллалари, Самарқанд ҳарбий гарни-
зонда маҳалла оқсоқоллари, имом-
хатиблари билан ҳамкорликда турли

СИЗ ЭРТАГА БАХТЛИ БЎЛАСИЗ!

мавзуларда мулоқотлар олиб бора-
миз. Мустақил ҳаёт оstonасида тур-
ган никоҳланувчилар ва уларнинг
оиласи билан яқиндан танишиб, суҳ-
батлар ўтказяпмиз. Маҳалла фаолла-
ри билан ҳамкорликда олиб борила-
ётган саъй-ҳаракатларимиз натижа-
сида айрим нотинч рўзгорларни сақ-
лаб қолишга муваффақ бўлдик.

Бизнинг фаолиятимиз жуда завқ-
ли ва ўз навбатида масъулиятли
хисобланади. Ҳар кунни кўнгилда ёруғ

бир ният уйғотамиз, илоҳим, юртимиз-
да ҳар кунни тўйлар бўлсин, деймиз.
Айниқса бизнинг соҳа вакиллари ўз
қабулларига келган ёш-йигит қизлар
билан мулоқот жараёнида оилани му-
стаҳкамлаш, эр-хотин зиммасидаги
бурч ва вазифаларни тўғри тақсим-
лаш, ота-оналар билан мулоқотда ни-
ҳоятда одобли бўлиш каби инсоний
фазилатлар хусусида фикрлашамиз.

Бахт оstonасида турганларнинг
юрағида ҳаяжон. Биз ҳам улар билан

ФХДЁ фаолияти

баб-баравар хайратга тушамиз. Не-
гаки, олдинда уларни қандай синов-
лар кутаётгани ҳали номаълум. Шу-
нинг учун бу ёшларга жонли суҳбат-
ларда ибратли оилалар, кўп йиллар
пиру бадавлат яшаб келаётган нуру-
ний отахон ва онахонларнинг ҳаётий
тажрибалари ўзига хос мактаб вази-
фасини ўташини таъкидлаймиз.

Шоира ЗОХИДОВА,
Самарқанд шаҳар 1-сон
ФХДЁ бўлими мудир.

Буни ҳаёт дейдилар

Мактуб

КЕЛИН

...Бектемир ота кўзини эринибгина очиб, деразага қаради. Элас-элас тонг оқариб келарди. Ташқарига кулоқ тудди: жимжитлик. Анчагача қадам товушларими, эшик гичирлашими — бирон сас-садога интиқ ётди. Кейин жудоликдан хаста кўнглига анчадан бери мўралаётган шубҳалар бостириб кира бошлади: «Ана, айтганим-дек, шаҳарлик келин чатоқ чикди! Ҳалиям ухлапти. Урди Худо!...»

...Утган ҳафта супракоқдисини уйлантирган отахон шу пайтгача учта келину тўрт куёв кўрган, лекин бунчалик ташвиш чекмаган эди. Илгари кампири ёнида эди-да. Келинларнинг ўзи топар, хонадоннинг иссиқ-соғуғига кўндириб,



«рўзгорбор» қилиб тарбияларди. Мана, йўқлиги дарров билинди. Кенжаси «ўлдим-кўйдим», деб бир синалмаган кизга уйланди. Бектемир ота, «Бунинг шаҳар кўрган экан, бизнинг шароитга чидай олмайди», деб анча оёқ тиради. Аммо гапи ўтмади. Аниқроғи, барибир кенжатоийнинг кўнглига қаради... Мана оқибати, ҳозирдан тонг ёришгандаям бемалол ухлаб ётса, бу келин курмагур, кейин нима хунар кўрсатаркан, худо билади...

Ота яна хиёл бош кўтариб, ташқарини тинглади. Сукунат... Олдинги келинлари бунақа пайтда ховлига шалоплатиб сув сепиб юрган бўларди. «Кумри бор эди-да унда», хаёлидан ўтди унинг. Кампири уззу-кун чолнинг ташвишини қилиб юрарди. Кулоғига олис-олисдан қадрдон товуш эшитилгандек бўлди: «Хов, Маҳлиё, ошни юмшоқроқ қилинг, отангизнинг тишига ботмасин, ошқозонига оғирлик қилмасин-а! Эркиной, ҳой Эркиной, дадангизга чойни аччиқроқ дамлан! Саида қизим, супагага жой қилинг, чолим иссиқлаб кетди!»

Мана энди унинг меҳрибони йўқ. Уч ўғилнинг ўйи бўлак, қизлар ўз рўзғори билан овора. Кўзини берки-тадиган кенжатоий эса ҳозирданок хотинни деяпти. Агар шу келиннинг қўлида қолса, аҳволи нима кечаркан?..

Оғир ўйлар отанинг елкасидан босгандек, қимир этмай ётаверди. «Энди нима бўлади? Тавба... Одамнинг қисмати ғалати. Тугиласан, яшайсан, умрининг энг катта қисмини, қаймоғини болаларга берасан. Улғайтириш, ўқитиш, касб-корли қилиш, узатиш, уйлаш, бошпана қилиб бериш... Шуларни деб ўзингни ўтдан сувга урасан. Хаммасини унда-лайсан. Кийинтириб, едириб-ичириб, ўқитиб, хунарли қиласан... Охири-чи? Охири нима билан тугайди бу уринишларнинг? Ёлғизлик, бир дўсту хамдамга ташналик биланми? Тиқ этган товушга зор бўлиб ўтаманми энди? Саккизта илдиимини ҳар ёнга отиб, ўртада қуриган дарахтдай қаровсиз қолсам-а? Тўғри-да, мендакалар камми. Ана, жўрам Худойкул. Ёлғиз ўзи сўппайиб яшаб юрвди, омонатини топширганини ҳам биров билмай қолди... Ушаниям иккита девдай ўғли бор эди. Валижон дўстим-чи? Бешта боласи уни худди коптоқдек

бир-бирига тоза оширишди, охири сарсонлик жонига тегиб, яна лойсувоқ хужрасига бориб олди. Шарпадек сирғалиб, бир ўзи яшаяпти... Олим қассоб эса кўзининг тиригида мерос таллашиб муштлашган болаларидан безиб, укасиникига кетиб қолди.

Бу келин ҳали «хунар»ларини бошласа мен қаёққа бош уриб бораман? Етмиш довонни ошиб, келган жойим шуми энди? Бу келини тушмагур ноз уйкуда ётса, мен ховлида қандай

ғимирлаб юраман?..»

Яна кулоғи остида кампири Кумри энанинг овози эшитилгандек бўлди: «Отаси, бомдоддан кеч қоласиз». Бектемир ота яна дераза оша ташқарига кўз ташлади. Олчанинг шохлари аниқ кўриниб қолганди. «Ҳаҳ, шайтон-а!» дея ўрнидан илқис турди, эгнига тўн ташлади. Чироқни ҳам ёқмай, эшикни пайпаслаб очди. Ташқарига чиқаётганида димоғига намухиш тупроқ иси урилди. «Ёмғир ёғдимикан», деган ўйда ерга кўз ташлади. Бир дам тек туриб қолди. Синқлаб тикилди. Шақароб қилиб сепилган сув излари кўзга ташланар, ҳовли саҳни чиннидек топ-тоза қилиб супурилган эди. «Ийи», деди отахон, ўзига ҳам эшитилар-эшитилмас қилиб. Шу асно кўнглидан, «Шунча ишни қилишга қачон улгурдийкан», деган ўй ўтди. Айвоннинг бир четиде яп-янги офтоба турар, устига чўғдек сочиқ тахлаб қўйилган эди. Аста энкайиб, офтобанинг биқинига қафт босди — илиққина! Худди шундай илиқ бир туйғу кўнглига ёпирилди: «Бу келинга баҳо беришда мен адашганга ўхшайман».

— Ассалому алайкум, ота!

Унга яқин келиб, меҳр билан тикилиб турган ўғли янги тўн, дўппида кўзига жуда ўктам кўриниб кетди.

— Ва алейкум.

— Тузукмисиз? Ҳаяллаб қолганингизга хавотирлана бошлагандик...

— Ҳа, йўқ, яхшиман, болам. Сал уйку элтибди.

— Хайрият. Энди кириб уйготсам-ми деб турувдим. Ўзим келиннингиз сувни уч марта янгилади.

Кейин, «келинингиз» деганидан хижолат чекди чоғи, кўзларини олиб қочди.

Бектемир ота атрофга аланглади. Келинчак кўринмасди.

— Ўзи қани?

— Нонушта тайёрляпти. «Отамга юмшоқроқ таом пиширай», деб уриниб юрганди, — деди ўғил, беғубор жилмайиб.

Отахон сочқини елкага ташлаб, офтобага эгилди. Кампиридан кейин ҳали ўзини бу қадар енгил ҳис қилмаган эди. Ўғли нари кетгач, кўрагини тўлдириб нафас олди-да, пичирлаб қўйди: «Худого шукур!».

Гулчехра АСРОНОВА.

ОДАМ АЖРАТМАНГ

Ҳурматли таҳририят!

Сизларга хат ёзишимга шу йилнинг ёзида ўзим гувоҳ бўлган бир кўнглисиз воқеа туртки бўлди.

Мен туманимиздаги тиббиёт бирлашмасида ишлайман. Тақдир тақозоси туфайли турмушимдан эрта ажрашганман. Шундай бўлса-да, ёлғиз бошим билан икки қизимни бировдан кам қилмай, ҳалол луқма едириб воёга етказдим. Ҳозир бири ўқитувчи, иккинчиси эса коллежда таълим олмақда.

Яратганга беадад шуқрлар бўлсинким, ун тўрт йил беанодо, савобталаб инсонларнинг шарофати туфайли уйли-жойли бўлдик. Яхши кунларга етказганига шуқрона тарзида Рамазон ойида эҳсон ўтказишни ният қилиб, мақсадимни маҳалламиз раисига айтдим. У киши отахонлар билан маслаҳатлашиб, кун белгилангач, хабар қилишини билдирди. Орадан бир неча кун ўтди ҳамки, ҳеч бир хабар бўлмади. Охири яна бориб сўрасам, маросимларга масъул бўлган домланинг телефон рақамини бериб, вақтини келишиб олишимни тайинлади. Яхши умидлар билан домлага кўнгироқ қилсам, у киши: «Синглим, бу йил сизга нават тегмайди-ёв, ифторликни келаси йили ўткази қолинг», деса бўладими. Бу гапни эшитиб, кўнглим жуда хижил бўлди.

Орадан икки кун ўтгач, бир бойвачча кўшим уйда ифторлик қилди. Бир маҳал қарасам, ҳалиги, сизга нават йўқ деган киши шоша-пиша дарвозадан кириб кетаётган экан. Ёқамни ушлаганча қолдим. Наҳотки, муборак ойда ҳам одамларни бой-камбағалга ажратиб ўтиришса? Энг қизғин, ҳайит кунлари ҳам уйларга танлаб-танлаб киришганига не дейсиз?

Г. ЯВШАНОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси.

Илҳом

ҚИЗЛАРИМ-ИЗЛАРИМГА

(Мадинахон ва Юлдузхонларга)

Гул, райҳонлар ифторлари таралади,
Дил яйрайди эрка-нозли нигоҳлардан,
Зумда битар юракнинг яралари,
Соҳир ҳислар борлигини айлар ватан,
Гар уйингда фариштадай қизлар бўлса.

Маст қилади ширин-ширин хонишлари,
Орзуларинг гул очади каштасида,
Эсга тушар илк севгининг ёнишлари,
Ёшлик қайтар жонганиннинг риштасида,
Гар уйингда фариштадай қизлар бўлса.

Зарра гард йўқ — ҳамма томон «чинни чироқ»,
Тилда қолур таомларин мазалари,
Ҳаёллари уқпармисол, гараз йироқ,
Улашгани яхшилигу меҳр бари,
Гар уйингда фариштадай қизлар бўлса.

Уйинг безар дугоналар базмлари,
Авжга чиқар баҳру байтлар, қую ғазал,
Завқинг жўшар моҳруйларни кўрган сари,
Улар борки, яшаш гўзал, ҳаёт гўзал,
Гар уйингда фариштадай қизлар бўлса.

Пок ниятлар оқиб киргай томиринга,
Тинмагайдир дуоларинг, шуқроналар,
Қуни келиб шахзодалар чиқар эга,
Бахт тожини кийдирару олиб кетар,
Сенинг учун янграб оқшиш-тароналар,
Гар уйингда фариштадай қизлар бўлса.

Санобар ФАХРИДИНОВА

Умида АБЕНОВА,
биринчи гуруҳ ногирони.

ОНАЖОН

Қучиб сизни чинорим деб, елкангизга суяндим,
Тушлар кўриб, хушим деб ёлғонларга инондим.
Кўзим очиб дийдорингиз кеча-кундуз соғиниб,
Рўёлардан ғашлаб дилим куюнгандан-куюндим.

Кеч англадим ғаниматим, оқар сувдек оқдингиз,
Фарзид бўлиб не қилдим мен, не ҳаловат кўрдингиз?
Нафим тегиб улгурмасдан оқ булутга айланиб,
Опажоним менадан олис, йироқларга кетдингиз.

Соғинч бугун азоблайди, тимдалайди бағримни,
Толемнинг қаҳри қаттиқ, синар шундай сабримни.
Насиҳату дуоингиз таскин берад дилимга,
Опажоним бағишлардим сизга қолган умримни.

Оққўрғон тумани.



КИМ УЗОҚ ЯШАЙДИ?..

Бугунги кунда соғлом ва узоқ яшаш омилларига эътибор кучаймоқда. Бундай «омил»лар, қарангки, турли мамлакатларда турлича бўларкан. Ҳар бир миллат ўз феъл-атворидан келиб чиқиб, узоқ ва соғлом турмуш тарзини ишлаб чиқади.

Масалан, Финляндия: «Тоза ҳавода сайр қилинг!» – дейди. Бу ўлкада спорт билан шуғулланиб, ўзини спорт формасида ушлаб туриш — миллий «хобби»га айланган. Тахминан, 70 фоиз финлар киши спорт турлари



билан мунтазам шуғулланадилар. Ҳар икки аёлдан бири ўз ишонасига пиёда ёки велосипедда боради. Совуқ об-ҳавога қарамасдан, бу миллат вакиллари тоққа сайрга ёки балиқ овига боришдан эринишмайди. Аслида, спорт билан табиат кўйида доимий машғул бўлиш нафақат жисмоний, балки маънавий саломатликка ҳам хизмат қилади. Бу ажойиб одат кишида мақсадга интилишни кучайтириб, кайфиятни кўтарди ва асабийликни бартараф этади.

Ҳиндистон эса зираворларнинг фойдасига таянади. Бу мамлакатда кексалар орасида Алцгеймер касаллиги, яъни хотиранинг кескин сусайиб кетишига дучор бўлганлари бошқа юртлардаги тенгдошларига нисбатан кам учраб экан. Чунки ҳиндлар зираворлардан жуда кўп миқдорда фойдаланишади. Ҳинд табобатида қадимдан дори сифатида қўлланиб келинаётган куркум зиравори Алцгеймер касаллигига ҳам даво бўла олар экан. Уларнинг миллий ошхонасида кўп ишлатиладиган занжабил, имбир зиравори овқат ҳазм қилишни яхшиласа, долчин қандли диабет касаллигини даволай олар экан.

Хитойда санъатта ошфоталик жуда муҳим. Яъни, қанча кўп куйласангиз, шунча кўп яшайсиз! Бу юртининг шолизорларида 90 ёшлилар ҳам бемалол меҳнат қила олишади. Улар кучқувват тўплаш учун кўшиқ айтишни ўзларига одат қилишган. Маълум бўлишича, баланд овозда куйлашни хуш кўрувчилар бошқаларга нисбатан шифокор хизмати ёки дориларга камроқ эҳтиёж сезишар, депрессия — тушунликдан камроқ азият чекарканлар.

Японияда кўк чой ва соя таъми узоқ умр кўриш учун энг яхши омиллар саналади. Балиқ, соя ва сабзавотлардан ташкил топган анъанавий япон ошхонаси юрак хасталиклари ҳамда саратон касалликлари турларининг таъсирини сусайтирувчи аҳамиятга эга. Японлар ўсимлик, гулқарам ва бу миллат турмуш тарзи тимсоли ҳисобланган кўк чойни севиб истеъмол қилдилар.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

УЧРАШУВГА ЧИҚМАГАН ЭДИМ...

— Сизларга мурожаат қилиб, сурхондарёлик Икром деган йигитнинг телефон рақамини олгандим. Афсуски, у мен ўйлагандек бўлиб чиқмади, — дейди **Замира исми аёл бизга кўнгироқ қилиб.** — У билан учрашдик. Аввалига гап-сўзлари бинойидек туюлди. Уйимга совчи юбормоқчи эканини айтди. Аммо бир неча кун ўтгач, тунда бегона рақамдан кўнгироқ қилиб, мени учрашувга чакирди. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун, табиийки, мен чиқмадим. Орадан икки кун ўтгач, бир нотиш эркак телефон қилиб, «Икром сизга уйлана олмайди, агар хўп десангиз, иккаламиз кўришсак», деса бўладими. Тўғриси айтсам, биров устимдан муздек сув куйиб юборгандек бўлди. Икромга кўнгироқ қилсам, у нима дейди денг, мен ўша куни учрашувга чиқмаганим учун рақамимни бошқага бериб юборганим. Бу гапни эшитиб, ундан нафратланиб кетдим.

Ёшим 30 да. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўз касб-корига эга бўлган, оғир-босик, иймонли, 40 ёшгача бўлган оилапарвар эркак билан оила қурмоқчиман.

ФАЗИЛАТ,
Қашқадарё вилояти.

ОДАМ ОЛАСИ ИЧИДА ЭКАН

Оиламизда опа-сингилларимнинг ҳаммаси олий маълумотли, фақат мен негадир ўқишга қизиқмадим. Шунинг учунми, ота-онам 20 ёшимда турмушга узатиб юборишди. Бир йилгача фарзанд кўрмадим. Ҳўжайиним жиззаки, қизиққонлиги сабабли ҳомиладор бўлмаётганимни юзимга солиб, тез-тез жанжал қиларди. Ниҳоят, ўғилчалик ҳам бўлди. Фарзандим бир ёшга етганида тоби қочди ва сира ўнглана олмай, нобуд бўлди. Ҳўжайиним бунинг учун аламини яна мендан ола

бошлади. Ўз дардимга ўзим қовурилиб юрган кунларим ҳомиладор бўлдим. Қизчам тугилгач ҳам муносабатларимиз яхшиланмади. Ҳар куни ичиб келиб, жанжал қилар, қизчамни ҳам аямай урарди. Бир умр юрагимни ҳовучлаб яшагача кучим етмади. Ота уйимга кетиб қолдим ва охири қонуний ажрашдик. Ҳозир қизим беш ёшда. Оллоҳнинг пешонамга ёзган тақдир шу экан. **Ёшим 29 да.** Яхши инсон учраса, турмушга чиқиш ниятидаман.

ШОҲИСТА,
Гулистон шаҳри.



Бахтли бўлинг

Кўнглига қараб... КЕЧИКДИК

Неварам Назокат олий маълумотли, нуфузли ташкилотда ишлайди. Иккита тилни билади. Жуда ақли қизу, лекин ўз вақтида келган совчиларни танлаб-танлаб, охири ёши ўтиб қолди. 28 ёшгача кўнглига қарадик. Охири ўзим бел боғлаб, ишга киришдим. Шу вақтгача иккита йигит билан

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

ҚОВОҚ

Қовоқнинг умумий таркибида ёғ, С ва В витаминлари, органик кислоталар, смола, каротинлар мавжуд, қанд, РР, С, В, В2 витаминлари, элаторин ҳамда минерал тузлар бор.

Халқ табобатида қовоқ уруғидан гижжаларни туширишда қўлланилади. Бундан ташқари сувда ёки чўғда кўмиб пиширилган қовоқни парҳез таом сифатида гепатит ҳамда жигар касалликларида, буйракдаги тошни ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Темиртки касаллигида қовоқнинг этли қисмини майдалаб эзиб, унинг устига қўйиб боғланса, самарали ёрдам беради.

Ибн Сино қовоқ данагидан тайёрланган қайнатмани кўкрак қафаси оғриганда, йўтални қолдиришда қўллаган. Шунингдек, қўрда кўмиб пишириб, қанд билан аралаштирилган қовоқни ични юмшатиш учун истеъмол қилишни буюрган. Хом қовоқ шарбати билан томоқ оғриғини ҳамда мия касалликлари (миядаги шишлар, мия яллиғланишини) даволаган.

Қовоқ уруғи ва унинг майдаланган қайнатмаси, аталаси ҳамда эмульсияси лентасимон гижжаларни тушириш учун фойдаланилади. Мевасининг этли қисмининг парҳез таом ўрнида атеросклероз, қабзият, жигар ва буйрак хасталикларига сийдик ҳайдовчи восита сифатида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Тиббиётда қовоқнинг уч тури уруғидан фойдаланилади. Булар — картошка қовоқ, ош қовоқ, оддий қовоқ. Мевасининг юмшоқ қисмидан олинган каротиннинг ёғли эритмаси экзема, йирингли яралар, куйган ва совуқ урган жойларни даволашда ҳам ишлатилади.

Қовоқ уруғи қовурилиб, 2-3 кун мобайнида кунига наҳорга 150-200 г. (болалар учун 50-100г.) дан истеъмол қилинса, гижжага қиргин келади. Муолажа учун хом уруғини ейилса ҳам бўлади. Ейилгандан сўнг, 3-4 соат ўтказиб, сурги дори ичиш лозим. Ёш болаларга ҳўқна қилиш керак. Гижжа пайдо бўлишининг олдини олиш учун ушбу муолажадан тез-тез фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

учрашиб кўрди. Тақдир қўшмаса қийин экан, бир-бирларига маъқул келишмади. Яна куёв қидиряпмиз. Илкони бўлса, 35 ёшгача бўлган, қўлида таъинли касб-хунари бор йигит чиқса, манзиллини берсангиз.

МОҲИРА опа,
Тошкент вилояти.

БИР ДАРДКАШ ИЗЛАЙМАН

Аёлим оламдан ўтгач, жияним Саид бизнинг ҳолимиздан тез-тез хабар оладиган бўлиб қолди. Яқинда «Оила ва жамият» газетасини кўлимга тутқазиб, «Тоға, сиз ҳам бахтингизни излаб кўринг», деганидан сўнг таҳририятга мурожаат қилаяпман. Турмуш ўртоғим оламдан ўтганига беш йил бўлди. Тўрт фарзандимнинг иккитасини уйли-жойли қилдим. Насиб этса, яна икки ўғлимни уйлантиришим керак. Аммо эшик қоқиб, совчиликка борадиган, болаларимга оналик қиладиган бир меҳрибон инсонга муҳтожман. Тўғри, атрофимда ўғил-қизларим, невараларим парвона. Келиним иссиқ-совуғимдан хабар олиб туради. Аммо ёнингда ҳамсухбат бўлиб ўтирадиган, аёлнинг ўрни бўлак экан. **Ёшим 59 да.** Кўп йиллар заводда ишчи бўлиб ишлаганман. Ҳозир пенсиядаман. Томорқамда иссиқхонам бор. Помидор, бодринг етиштираман. 50 ёшгача бўлган Жиззах, Сирдарё ёки Тошкент вилоятида яшовчи, фарзандларимга оналик меҳрини бера оладиган аёл бўлса, оила қурадими. Бир нафар қизи бўлса уни ўқитиб, турмушга узатишга ҳам розимиз.

ЭРГАШ,
Тошкент шаҳри.

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Чипқондан азият чекаётганлар творогли малҳам билан уни бартараф этишлари мумкин. Икки қошиқ творогга тенг миқдорда сут қўйиб қиздириб, сўнг сиқиб ташлаб, оғриқ жойига қўйилса, тез орада дард чекинади.

Сурма кўз милкни чиниқтириб, яллиғланиш аломатини йўқотади ҳамда киприкларни тўкилишдан асрайди.

Сочларни саратон кўёшидан ҳам, қаҳратон совуғидан ҳам ҳимоялаш лозим. Акс ҳолда соч ўз жилосини йўқотиб, хираллашиб қолади. Устига устак нимжон тортиб, синовчан бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Аёллар имкон қадар ўз вазнларини назоратда ушлашлари, ортиқча семирмасликка уринишлари жуда муҳим. Агар уларнинг бел айланаси 80 сантиметрдан оша бошласа, юрак хасталигига чалиниш хавфи ортади.

Кўк чойнинг таркибидаги фойдали витаминлар тана вазнини камайтириб, қонда қанд миқдори ошиб кетишининг олдини олади.

Ҳар куни эрталаб бир чой қошиқ тоза асал истеъмол қилган одам камқонлик касалига учрамайди, иммунитетни мустаҳкам бўлади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ЁНИНГИЗДАГИ БАХТ

Одамлар бахтни олис-олислардан кидиришади. Ўз бахтига етишиш учун кўп йиллар керак бўлади, деб ўйлашади. Аслида-чи? Бахт уларнинг атрофида, ёнгинасида юради...

Эрталаб турганингизда юз-кўлин-гизни ювиш, соқоли олиш учун иссиқ сув, мазали нонушта тайёр бўлади. Юмшоқ нонни пиёладага қаймоққа ботириб еб, чой ичар экансиз, аёлин-гиз болаларни мактабга, боғчага кузатишга ҳозирлик кўради. Шафни очганингизда дазмолланган костюм-шим, кўйлак, ҳатто бўйинбоғ тайёр бўлади. Туфлингиз тозалаб артиб қўйилган, ичиди ювилган пайпоқ.

Кечга яқин ишдан хоҳ яхши, хоҳ ёмон кайфиятда келишингиздан қатъи назар, аёлингиз сизни хурсанд ҳолда: "Яхши келдингизми?" деб кутиб олади. Сиз эса: "Ҳа", дейсиз беларво. Баъзан сизга пешвоз чиқмади қолса, шошиб болаларингиздан сўрайсиз:

— Аянг қани, кўринмайди?
— Қўшникида эди, — дейишади

болалар худди оналари сизни кутиб олмай катта гуноҳ иш қилгандек хижолат бўлиб.

Бош оғриги, кўз оғриги дегандек, баъзан бетоб бўлиб қолсан-гиз, аёлингиз атрофингизда парво-на бўлади. Ўзи, болалари бахтига тезроқ тузалиб кетишингизни Оллоҳдан илти-жо қилади. Сиз-чи, сиз беларвосиз, гўё ишларингиз бир олам, вақтингиз тигиз. Эрта-ю кеч баҳона — иш, иш... Баъзан унинг хириллаб гапирган овозидан оғриб қолганини сезасиз. Лекин у ўз касалини тан олмайди.

— Ўтиб давонанишнинг зарурати йўқ, тузалиб кетаман, — деб ўзини соғломдек кўрсатади. Сиз бу ҳолатни яхши биласиз, лекин доимо жим қола-сиз...

Ҳаёт оқар дарё — вақт олий ҳакам. Ўтибор берсангиз, кечагина тугил-

Қ а т р а

ган ўғлингизни қоп-қора қошлари, оппоқ юзлари, жажжигина қизингизнинг узун сочлари-ю, жарангдор овози — аёлингиздан андоза олган-дек. Улар онасини сиздан кўра юз қарра кўпроқ севишларини, чин қалбдан ҳурмат қилишларини, хаёлингизга ҳам келтирмайсиз, билмайсиз, тушунмайсиз.

Кечки овқатдан сўнг ҳамма ўз ташвишлари билан овора. Сиз эса газета ўқийсиз ёки телевизор кўрасиз. Аёлингиз эса тинмайди. Чок машинасида нималарнидир тикади. Ҳаёлида эса оила ташвишлари...

Кун тундан бошланади, дейишади. Сиз янги кун бошланмасдан шу сокин тунда ўйлаб кўринг: Аёлингиз, болаларингиз сизнинг, сиз эса уларнинг топилмас бахтисиз.

Ёнингиздаги бахтни асранг, авай-ланг, азизим!

**Абдурахим БОЗОРБОВЕВ,
Андижон вилояти,
Марҳамат тумани.**

ЕР УЧАСТКАЛАРИ КИМ ОШДИ САВДОСИДА

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тартиби тўғрисида тушунча берсангиз?

**Х.Сяров,
Самарқанд вилояти.**

2008 йил 1 январдан бошлаб якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ким ошди савдоси асосида фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олиш учун ариза туман (шаҳар) ҳокимлигига берилади. Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги таркибига кирмайдиган ерларда белгиланган тартибда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бир оилга 0,06 гектарга мерос қилиб қолдириладиган тартибда умрбод эгалик қилиш учун берилади.

**Саволга Каттакўрғон туман
2-сон ДНИ нотариуси
Раҳимжон САПАРОВ
жавоб берди.**

ФАРЗАНДИМНИ КЎРОЛМАЯПМАН

Маълум сабабларга кўра, икки йил муқаддам турмуш ўртоғим билан расмий ажрашганмиз. Суд қарорига асосан, 9 ёшли ўғлим ҳозир онаси билан яшайди. Фарзандимни моддий томондан таъминлаб келаяпман. Лекин собиқ хотиним ўғлим билан кўришиб туришимга йўл қўймапти. Айтинг-чи, унинг бундай йўл тутишига қонуний ҳақлими?

**Ш. Шодиев
Тошкент вилояти.**

Боладан алоҳида яшаётган ота

(она) боласи билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг ота (она) си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлигига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслик керак.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-онанинг таллабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда, айбдор ота-она-

га нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар қўлланилади.

Шунингдек, боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф-хатар бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот бериш рад этилган тақдирда суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

**Саволга Тошкент вилояти
Зангиота тумани ФХДё бўлими
муdiri Барно РАҲИМОВА
жавоб берди.**

МЕРОСХЎР ВА ТАҚСИМОТ



Тоғамнинг вафот этганига 6 ой бўлди. У киши оила қурмаган, фарзандлари ҳам йўқ. Ундан қолган мулкларга меросхўр бўлишим мумкинми? Қонун бўйича ворислар навбати қандай белгиланган?

**А. Ҳрозов,
Урганч шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қонун бўйича ворисларнинг бешта навбати белгиланган бўлиб, унга кўра, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (шу жумладан, фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин тирик тутилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар бўлиб ҳисобланади.

Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-ука ва опа-сингиллари ва унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва буvisи тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва ҳоласи тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга ҳисобланади. Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эгадир. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз болалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича улар бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

**Саволга Хоразм вилояти Урганч тумани
2-сон давлат нотариал идораси нотариуси
К.ЮСУПОВА жавоб берди.**

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмун учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:

Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Ҳамроҳон
МУСУРМОНОВА**

Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**
Мусахҳилар — **Сайдғана САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги-да 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 928. Формати А3, ҳажми 3 табоқ. Адади — 6818. Баҳо-си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5



НАФИСАНИНГ ИШОНЧЛИ ГАЛАБАСИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида хотин-қизлар ўртасида давом этаётган ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқичида ёш гроссмейстеримиз Нафиса Мўминова иккинчи галабасини нишонлади.

Бешинчи турда хитойлик Цзю Веньцзюнь билан оқ доналарда ўйнаган ҳамюртимиз ишончли галабага эришди. Турнирда илк мартаба дона сураётган Н.Мўминова иккинчи очкосини кўлга киритди.

Ушбу турда грузиялик Бела Хотенашвили қозоғистонлик Гулисон Нақбоевани, ҳиндистонлик Харика Дроновалли арманистонлик Элина Даниэляни, украиналик Екатерина Лагно россиялик Александра Костенюкини, хитойлик Чжао Сюэ россиялик Ольга Гирьяни мағлубиятга учратди. Болгариялик Антоанета Стефанова ҳамда ҳиндистонлик Хампи Конерулар эса дурангга имзо чекишди.

Н.Мўминова кейинги партияди арманистонлик Элина Даниэлянга қарши ўтказади.

ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШ ҚИЗГИН

Туркиянинг Кожазли шаҳрида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов саккизинчи турда венесуэлалик Хосе Феликсни мағлубиятга учратди ва кейинги партиядо россиялик Юрий Елисеев билан дуранг ўйнади. Олти очко жамғариб, пешқадамлар сафида бораётган ҳамюртимиз навбатдаги учрашувда беларуслик Владислав Ковалёв билан ўзаро куч синашади.

Қизлар ўртасида мамлакатимизнинг истеъдодли спортчиси Сарвиноз Қурбонбоева мусобақадаги саккизинчи учрашувда ҳиндистонлик Шетти Шристи устидан зафар кучди ва Влада Смирнова билан баҳсда дуранг натижага қайд этди. Беш очко жамғарган Сарвиноз ўнинчи турда украиналик Анастасия Раҳмонқуловага қарши дона суради.

ФИНАЛНИ ЭРМАТОВ БОШҚАРАДИ

2013 йилги футбол бўйича Ўзбекистон Кубогини финал учрашуви бош ҳақами этиб Равшан Эрматов тайинланди. Эрматов финалда Қаршининг «Насад» ҳамда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоалари ўртасидаги ўйинни бошқариб боради.

Учрашув бугун соат 18:00да «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтади.

**Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.**

Газетанинг навбатдаги сони
9 октябрда чиқади.